БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 188 (419)

21 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикиви жаноблари Москвадан жўнаб кетди (1-нчи бет).

Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикивининг Москвада бўлиши тўғрисида Совет-Финляндия ахбороти (1-нчи бет).

Совет Иттифоқининг Порккала-Удд территориясидан ҳарбий-денгиз базаси учун фойдаланиш ҳуқуқларидан воз кечиши ва Совет қуролли кучларини бу территориядан олиб чиқиб кетиши тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасида тузилган битим (1-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳузурида Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикиви жаноблари шарафига қабул маросими (2-нчи бет).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси Ҳукумат делегацияларининг музокаралари (2, 3 ва 4-нчи betлар).

ГДР Ҳукумат делегацияси Зоя Космодемьянская ҳайкалига гулчамбар қўйди (4-нчи бет).

Абадий дўстлик учун!

Кеча Москвада бир томондан, Финляндия Республикасининг Президенти ва унинг ҳамроҳлари блан, иккинчи томондан, Совет Иттифоқининг раҳбар арбоблари ўртасида олиб борилган суҳбатлар чин ишонч, самимийлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтганлигини зўр қониқиш блан қайд қилади.

СССР блан Финляндия ўртасидаги дўстона муносабатларнинг ривожланиши мустаҳкам асосга таянади. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1948 йил 6 апрельда тузилган Совет-Финляндия Шартномаси ана шундай мустаҳкам асосдир. Бу Шартнома вужудга келтирган муҳит совет ва финляндия халқлари ўртасидаги ўзаро тинч алоқаларнинг муваффақиятли суратда ривожланишига ёрдам берди. Шу блан бирга Совет-Финляндия Шартномаси Европанинг шимолий қисмида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам берди ва ёрдам бермоқда. Бу Шартнома Финляндия халқи учун тинч истиқболга ишонч бағишлайди. Финляндиянинг чинакам мустақил миллий ташқи сиёсатини амалга оширишига имкон беради.

Шу сабабдан, совет ва финляндия халқларининг Шартнома муддатини 20 йилга узайтириш тўғрисидаги қарорни хурсанчилик блан, гоят ма'қуллаб кутиб олаётганликлари табиий бир ҳолдир. Бу қарор ҳар иккала мамлакатга бундан кейин ҳам яхши қўшиларлек ҳамкор бўлишнинг кенг перспективаларини очиб беради. Чинакам фин ватанпарвари ва отоқли давлат арбоби Президент Ю. К Паасикивининг Кремльдаги қабул маросимида: «Финляндия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги абадий дўстлик учун» деб айтган сўзларини совет кишилари чин кўнгилдан табрикламоқдалар.

Музокараларда Совет Иттифоқининг Порккала-Удд территориясидан ҳарбий-денгиз базаси учун фойдаланиш ҳуқуқларидан воз кечиши ва совет қуролли кучларини бу территориядан олиб чиқиб кетиши тўғрисида тузилган Битимнинг ҳам аҳамияти жуда каттадир. СССР блан Финляндия ўртасида ўзаро ишончга асосланган яхши қўшничилик муносабатлари вужудга келганлиги туфайли, шунингдек тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқлари Женева кенгаши натижасида халқаро кескинликнинг ма'лум даражада юмшаганлиги туфайли бу Битимни тузиш мумкин бўлди.

Тинчликсевар халқлар Женевадаги музокараларнинг муваффақиятли суратда тугалланганлигини табриклаб, дастлабки алоқалар ўрнатилганидан ва умумий йўллар, я'ни ҳал этиш пайти келиб қолган халқаро проблемаларнинг ҳал этилиши лозим бўлган умумий йўллар ишлаб чиқилганидан кейин, бу йўлда реал, конкрет қадам қўйишни зўр бериб истаётганликларини ҳақли суратда билдиришлар. Совет ҳукумати томонидан изчиллик блан амалга оширилаётган тадбирлар Совет Иттифоқининг ҳал этиш пайти келган халқаро проблемаларни ҳал этишга қандай қараш кераклиги намунасини кўрсатиб, сабот ва қат'ият блан шу йўллан бораётганлигини очиқ-равшан кўрсатиб бермоқда.

Эндиликда «Женева руҳи» ғарб матбуоти ба'зан тасвирлашга уринаётганидек, қуруқ, оғзаки «ўзаро табриклар»дангина иборат эмаслигини ҳамма кўриб турибди.

«Женева руҳи» тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, халқаро масалаларни ҳал этишга қаратилган ва ҳормай-толмай, актив суратда олиб бориладиган фаолиятир. Зўр бериб қуролланишни тўхтатиш, давлатлар ўртасида ўзаро ишончга асосланган тинч муносабатларни вужудга келтириш—бу соҳада сра кечиктириб бўлмайдиган вазифаларнинг биридир.

«Женева руҳи» — қуролли кучларни камайтириш демакдир. Совет Иттифоқи шу йил 15 декабрьгача ўз қуролли кучларини 640 минг кишига камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиб, ҳулди шу тарзда ҳаракат қилмоқда.

«Женева руҳи» — ўзгаларнинг территорияларидаги ҳарбий базаларни тугатиш демакдир. СССР Порккала-Удаги ўз ҳарбий-денгиз базасини тугатиб, ҳулди шу тарзда ҳаракат қилмоқда.

Адолат юзасидан шуни айтиш керакки, Женева кенгашининг «Женева руҳи»ни табриклаётган бошқа қатнашчилари зўр бериб қуролланишни тўхтатиш йўлида шу вақтгача ҳечқандай конкрет тадбирларни кўрганлари йўқ. Кенг жамоат қоиралари бошқа буюк давлатлар ҳам Совет Иттифоқи кўрсатаётган намунага эргашиб борсинлар, деб тобора қаттиқ талаб этмоқдалар.

Тинчликсевар халқлар Совет-Финляндия музокараларининг муваффақиятли тугалланганлигига тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни янада юмшатиш ишига қўшилган янги ҳисса, деб баҳо берадилар. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Совет-Финляндия Шартномаси муддатини 20 йилга узайтириш тўғрисидаги қарор ва Совет Иттифоқининг Порккала-Удд территориясидан ҳарбий-денгиз базаси учун фойдаланиш ҳуқуқларидан воз кечиши ва совет қуролли кучларини бу территориядан олиб чиқиб кетиши тўғрисидаги Битим ҳар иккала давлатнинг бундан буён ҳам бир-бирлари блан дўстона яқинлашувларига ва уларнинг ўзаро ишончини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Москвада бўлиб ўтган фикр олишув Совет Иттифоқи блан Финляндия ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни анча кенгайтириш имконини берди.

Совет кишилари муваффақиятли суратда тамом бўлган Совет-Финляндия музокараларининг якунларини табрикламоқдалар. Улар мамлакатларимиз олдида Финляндия ва Совет Иттифоқи халқларининг бахт-саодати йўлида, бутун дун'ёда тинчлик йўлида ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг кенг ва равшан перспективалари очилганлигига ишонадилар.

Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси халқлари ўртасидаги самимий дўстлик абадий яшасин, мустаҳкамлансин ва яшнасин!

(«ПРАВДА»нинг 20 сентябрьдаги бошмақоласи)

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ Ю. К. ПААСИКИВИ ЖАНОБЛАРИ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

20 сентябрьда Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикиви Москвадан ўз ватанига жўнаб кетди. Ю. К. Паасикиви блан бирга Бош Министр У. К. Кекконен ва Президентнинг бошқа ҳамроҳлари ҳам жўнаб кетдилар.

... Марказий аэродром Финляндия ва Совет Иттифоқининг Давлат байроқлари блан безатилган эди. Президент Ю. К. Паасикивини ва Финляндиянинг бошқа давлат арбобларини кузатиб қолиш учун эрта блан соат ўнларда буерга Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, М. Г. Первухин, М. А. Суслов, шунингдек СССР министрлари В. Г. Бажанов, Б. П. Бешчев, Ф. Д. Вараксин, Г. К. Жуков, А. Г. Зверев, И. Г. Кабанов, Н. А. Михайлов, И. И. Носенко, Г. М. Орлов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари П. М. Пегов, Совет Иттифоқи Маршали В. Д. Соколовский, армия генерали И. А. Серов ва бошқа расмий кишилар келдилар.

Финляндия Республикасининг Президентини Германия Демократик Республикасининг Бош министр ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Л. Больц, Финляндиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Э. А. Вуори, Москвадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолиш учун Москва гарнизони қўшинларидан фахрий қоровул қўйилди. Финляндия ва Совет Иттифоқининг Давлат гимнлари ижро этилди.

Президент Ю. К. Паасикиви Москвадан жўнаб кетиш олдидан микрофон олдида қисқача баёнот берди.

— Мен,— деди Президент,— зўр меҳмондўстлик учун ва бизга нисбатан буерда кўрсатилган самимий туйғулар учун ўз номимдан ва ўз шерикларим номидан яна бир марта ташаккур изҳор қиламан.

Мен айтган гапларимни яна бир марта такрорлайман: Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар келгусида ҳам ҳозиргидек дўстона, яхши ва самимий муносабатлар бўлсин. Бизнинг асл тилагимиз шудир. Совет Иттифоқига ва унинг халқларига муваффақиятлар тилайман. Хайр.

Президент Ю. К. Паасикиви К. Е. Ворошилов блан, Н. А. Булганин, М. Г. Первухин, М. А. Суслов блан ва кузатиб қолган бошқа кишилар блан хайрлашади.

Ҳамма самолётларга томон йўл олади. Президент зинадан самолётга чиқади ва табассум блан хайрлашади. (ТАСС).

Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикивининг Москвада бўлиши тўғрисида Совет-Финляндия

АХБОРОТИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловнинг таклифига мувофиқ, Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикиви 16 сентябрьдан 20 сентябрьгача Совет Иттифоқида бўлди. Финляндия Бош министри У. Кекконен, Мудофаа министри Э. Скуг, Министр Р. Свенто, Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари Р. Сеппяля Президентга ҳамроҳ бўлдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикиви Совет-Финляндия муносабатларига тааллуқли масалалар ва халқаро миқ'ёсдаги ба'зи проблемалар юзасидан фикр олишдилар.

Фикр олишувда Совет томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари М. Г. Первухин қатнашдилар.

Фикр олишувда Финляндия Республикаси томонидан Бош министр У. Кекконен, Мудофаа министри Э. Скуг, Министр Р. Свенто, Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари Р. Сеппяля иштирок этдилар.

Суҳбатлар чин ишонч, самимийлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди ҳамда ҳар икки томоннинг Финляндия блан Совет Иттифоқи ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига мувофиқ суратда бўлган ҳамда тенг ҳуқуқлилик, ички ишларга аралашмаслик, давлат суверенитети ҳамда миллий мустақилликни ўзаро ҳурмат қилишга асосланган дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга интилиш руҳи блан суғорилган эди.

Ҳар иккала томон иқтисодий ва маданий соҳалардаги самарали ҳамкорлик ривожланиб бораётганлигини қониқиш блан та'кидлади. Бу ҳамкорлик, жумладан, СССР блан Финляндия ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган янги савдо битимининг, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битимнинг тузилишида ўз ифодасини топди. Ҳар иккала томон ҳар икки мамлакатнинг манфаатларини кўзлаб, бу ҳамкорликни давом этдириш ва ривожлантириш ниятида эканликларини биллирди.

Томонлар яқиллик блан ҳисоблайдиларки, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида СССР блан Финляндия ўртасида 1948 йил 6 апрельда тузилган Шартнома Совет Иттифоқи блан Финляндия ўртасидаги дўстона муносабатларни кучайтиришнинг мустаҳкам асосидир ва Европанинг шимолий қисмида тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Улар ана шу Шартноманинг амалда бўлиш муддатини 20 йилга узайтириш тўғрисида бир битимга келдилар ва шу тўғрида тегишли Протоколни имзолдилар.

СССР блан Финляндия ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилганини э'тиборга олиб, шунингдек кейинги вақтларда, хусусан тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгаши натижасида халқаро кескинлик ма'лум даражада юмшаганлигини назарга олиб, Совет ҳукумати Финляндиянинг манфаатларини кўзлаб, Финляндиянинг Порккала-Удд территориясини ижарага олиш тўғрисидаги ўз ҳуқуқларидан воз кечишни мумкин деб топди. Порккала-Удд территориясида ҳарбий-денгиз базасини уюштириш учун бу территория 1947 йил 10 февральда Финляндия блан тузилган Сулҳ шартномасига мувофиқ, 50 йиллик муддат блан Совет Иттифоқига ижарага берилган эди. Шу муносабат блан Совет ҳукумати Порккала-Уддаги ўз ҳарбий денгиз базасини тугатишга, уердаги совет қўшинларини олиб чиқиб кетишга ва ижарага олинган Порккала-Удд территориясини Финляндия ихтиёрига топширишга қарор берди. Шу блан бирга, Совет ҳукумати совет томонидан Порккала-Удд территориясида қурилган уй-жой, коммунал-маиший биноларни, склад биноларни ва бошқа биноларни, шунингдек причаллари блан порт ускуналарини ва бошқа иншоотларни Финляндия ҳукуматига бепул топширади.

Совет Иттифоқи Ҳукумати ва Финляндия Ҳукумати ўзларининг ташқи сиёсат соҳаларидаги бутун ҳаракатлари бундан буён ҳам халқаро кескинликни янада юмшатишга ва тинчлик ҳамда халқлар хавфсизлигини та'минлаш ишига ёрдам беришга қаратилажагини та'кидладилар.

Музокараларнинг фин ва совет қатнашчилари ўртасида бўлиб ўтган музокараларда Финляндия-Совет муносабатларига тааллуқли барча масалалар муфассал ва очиқ муҳокама қилинди ва шу блан бирга, ҳар иккала томон ўз нуқтаи назарини айтди.

Бир томондан, Финляндия Республикасининг Президенти ва унинг ҳамроҳлари блан, иккинчи томондан, Совет Иттифоқининг раҳбар арбоблари ўртасида тўла ишонч вазиятида ҳамда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1948 йилда тузилган Шартномага мувофиқ бўлган дўстона руҳда ўтган фикр олишув Финляндия ва Совет Иттифоқи халқларининг бахт-саодати йўлида Финляндия блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона алоқаларни ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1948 йил 6 апрельда тузилган Шартноманинг амалда бўлиш муддатини узайтириш ҳақида 19 сентябрьда Москвада имзоланган Протокол тексти, шунингдек Совет Иттифоқининг Порккала-Удд территориясидан ҳарбий денгиз базаси учун фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечганлиги ҳамда совет қуролли кучларини ана шу территориядан олиб чиқиб кетиш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасида имзоланган Битим тексти қуйида э'лон қилинади.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1948 йил 6 апрельда тузилган Шартнома муддатини узайтириш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасида тузилган

ПРОТОКОЛ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Финляндия Республикаси Президенти

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва принципларига мувофиқ суратда, халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш манфаатлари йўлида ҳамкорликка қат'ий суратда интилаётганликларини биллириб.

СССР блан Финляндия ўртасида вужудга келган дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ёрдам бериши истаб, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1948 йил 6 апрельда Москвада СССР блан Финляндия ўртасида имзоланган Шартнома ҳар иккала мамлакатнинг ҳаётий манфаатларига жавоб бераётганлигини ва юқорида айтилган вазифаларни муваффақиятли равишда ҳал этишга ёрдам бераётганлигини та'кидлаб,

ушбу Протоколни имзолашга қарор қилдилар ва қуйидагиларни ўз Вакиллари қилиб тайинладилар:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми — СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганинни,

Финляндия Республикаси Президенти — Бош Министр Урхо Кекконенни ва Мудофаа Министри Эмиль Скугни.

булар тегишли формада ва тўла тартибда деб топилган ўз ваколатларини бир-бирларига топширганларидан кейин қуйидагилар тўғрисида бир битимга келдилар:

1-модда.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1948 йил 6 апрельда Москвада Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасида имзоланган Шартноманинг амалда бўлиш муддати тўғрисида 8-нчи модда қарорлари ўзгартирилиб, бу Шартнома мазкур Протокол кучга кирган пайтдан бошлаб 20 йил мобайнида ўз кучини сақлаб қолади.

Аҳдлашучи Олий Томонларнинг бири мазкур муддат ўтишидан бир йил илгари Шартномадан воз кечмаса, Шартнома яна беш йилгача ўз кучида қолади ва Аҳдлашучи Олий Томонларнинг бири навбатдаги беш йил ўтишидан бир йил илгари Шартноманинг кучини тўхтатиш ниятида эканлиги тўғрисида ёзма шаклда огоҳлантирмаса, Шартноманинг кучи ҳар сафар беш йиллан узайтирилаборилади.

2-модда.

Ушбу Протокол ратификация қилиниши керак ва ратификация ёрлиқлари эйирбошланган кундан бошлаб кучга киради. Ратификация ёрлиқлари Хельсинки шаҳрида мумкин қадар тезроқ айирбошланади.

Вакиллар буни таслиқлаш учун ушбу Протоколга қўл қўйдилар ва унга ўз печатьларини босдилар.

Бу Протокол 1955 йил 19 сентябрьда Москва шаҳрида икки нусхада тузилди. Уларнинг ҳарбири рус ва фин тилларида тузилган бўлиб, ҳар иккала текст бирхил кучга эгадир.

СССР Олий Совети Президиумининг ваколати блан

Н. БУЛГАНИН.

Финляндия Республикаси Президентининг ваколати блан

Урхо КЕККОНЕН.
Эмиль СКУГ.

Совет Иттифоқининг Порккала-Удд территориясидан ҳарбий-денгиз базаси учун фойдаланиш ҳуқуқларидан воз кечиши ва Совет қуролли кучларини бу территориядан олиб чиқиб кетиши тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасида тузилган

БИТИМ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Финляндия Республикасининг Президенти

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари муваффақиятли суратда ривожланиб бораётганлигини ва улар ўртасидаги ўзаро ишонч доимо мустаҳкамланиб бораётганлигини э'тиборга олиб,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Финляндия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1948 йил 6 апрельда имзоланган Шартнома ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш учун керакли шарт-шароитни та'минлаяжагини назарга олиб,

Совет Иттифоқи Финляндия Республикасининг манфаатларини кўзлаб, Порккала-Удд территориясини ижарага олиш юзасидан Совет Иттифоқига берилган ҳуқуқларидан муддатидан илгари воз кечишни ва ўз қўшинларини ана шу территориядан олиб чиқиб кетишни мумкин деб топганлигини э'тиборга олиб,

Ушбу Битимни тузишга қарор қилдилар ва қуйидагиларни ўз Вакиллари қилиб тайинладилар:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми — СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганинни,

Финляндия Республикаси Президенти — Бош Министр Урхо Кекконенни ва Мудофаа Министри Эмиль Скугни. Булар тегишли формада тузилган ва ҳақиқий деб топилган ўз ваколатларини бир-бирларига топшириб, қуйидагилар тўғрисида бир битимга келдилар.

1-модда.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Финляндия Республикаси томонидан, аввал, 1944 йил 19 сентябрьда Москвада имзоланган яраш тўғрисидаги Битимнинг 8-нчи моддасига мувофиқ ижарага берилган ва Порккала-Удд яриморолидаги территориясида ҳарбий-денгиз базаси вужудга келтириш учун ана шу территорияларни 50 йиллик муддат блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига ижарага берилганлигини сўнгра, 1947 йил 10 февральда Парижда имзоланган Сулҳ шартномасининг 4-нчи моддасида таслиқланган қуруқликдаги ва сувдаги барча территориялардан фойдаланиш ва уларни бошқариш ҳуқуқларининг ҳаммасидан Финляндия Республикаси фойдасига воз кечади.

Айни бир вақтда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мазкур Сулҳ шартномасининг 4-нчи моддасидаги 2-нчи пунктга мувофиқ Порккала-Удд яриморолидаги темир йўллардан, сув, тош йўллардан ва ҳаво йўлларидан фойдаланиш юзасидан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига гарантия қилиб берилган барча ҳуқуқлардан, шунингдек буерда қурилган алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқларидан Финляндия Республикаси фойдасига воз кечади.

2-модда.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи 1-нчи моддада кўрсатилган территориялардан ўзининг барча қуролли кучларини олиб чиқиб кетади ва ушбу Битимнинг ратификация ёрлиқлари айирбошланганидан кейин уч ой мобайнида ана шу территорияларни тамомила Финляндия Республикасининг ихтиёрига топширади.

3-модда.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи 1-нчи моддада кўрсатилган территорияларни ва шу территориялардаги мол-мулкларни 2-нчи моддада кўзда тутилган муддатлаги ҳолида, шунингдек ижара даврида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ёки унинг жамиятлари, бирлашмалари, ёхуд граждаплари фойдасига пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳарқандай тўловлардан, солиқлардан ва эҳтимол тутилган бошқа оғирликлардан ёхуд ҳуқуқлардан бу мол-мулкларни халос қилган ҳолда Финляндия Республикаси ихтиёрига топширади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Порккала-Удд территориясида совет томонидан қурилган казарма, уй-жой ва склад биноларини, алоқа об'ектларини, причаллари блан бирга порт ускуналари ва бошқа иншоотларни Финляндия Республикасига бепул топширади. Совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганидан кейин, ана шу иншоотлар совет қўмондонлиги томонидан шу территорияда қолдирилади.

4-модда.

Аҳдлашучи ҳар иккала Томон 1-нчи моддада кўзда тутилган территориялар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бошқармасида бўлиб келганлиги ёки ушбу Битимга мувофиқ ана шу территорияларнинг тамомила Финляндия Республикаси изорасига қайтариб берилаётганлиги сабабли тўловлар ҳақида бўладиган ҳарқандай талабларни 2-нчи моддада кўрсатилган муддатдан кейин бир-бирлари олдига қўймаслик мажбуриятини олади.

5-модда.

Ушбу Битим ратификация қилиниши керак ва ратификация ёрлиқлари айирбошланган кундан бошлаб кучга киради. Ратификация ёрлиқлари Хельсинки шаҳрида мумкин қадар тезроқ айирбошланади.

Юқорида номлари айтилган Вакиллар буни таслиқлаш учун ушбу Битимга қўл қўйдилар ва унга ўз печатьларини босдилар.

Битим 1955 йил 19 сентябрьда Москва шаҳрида икки нусхада тузилди. Уларнинг ҳарбири рус ва фин тилларида тузилган бўлиб, ҳар иккала текст бирхил кучга эгадир.

СССР Олий Совети Президиумининг ваколати блан

Н. БУЛГАНИН.

Финляндия Республикаси Президентининг ваколати блан

Урхо КЕККОНЕН
Эмиль СКУГ.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳузурида Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикиви жаноблари шарафига қабул маросими

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов 19 сентябрьда Катта Кремль саройида Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикиви жаноблари шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикиви жаноблари, Финляндия Бош Министри У. К. Кекконен, Мудофаа министри Э. Скуг, Министр Р. Свенто, Ташқи Ишлар Министрлигининг статс-секретари Р. Сеппяля ва Президентнинг бошқа ҳамроҳлари, Финляндиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Э. А. Вуори ва Финляндия Республикасининг СССРдаги Элчихонасининг дипломатик состави ҳозир бўлди.

Қабул маросимида ҳозир бўлган меҳмонлар орасида Германия Демократик Республикасининг Бош Министри О. Гротеволь ва ГДР Ҳукумат делегациясининг а'золари — Бош министр ўринбосарлари В. Ульбрихт, В. Штоф, О. Нушке, Б. Лейшнер, Демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгаши Президиумининг раиси Э. Корренс, демократик деҳқонлар партиясининг бош секретари Б. Розе, либерал-демократик партиянинг бош секретари М. Герлах, ГДРнинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси И. Кениг ҳам бор эди.

Қабул маросимида Совет давлати ва Коммунистик партия раҳбарлари Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрущев, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов ҳозир бўлдилар. Шунингдек СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. И. Косигин, П. П. Лобанов, М. В. Хруничев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. П. Тарасов ва А. Сариев, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. Т. Лацис, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. М. Пузанов, СССР Министрлари С. Ф. Антонов, П. Я. Антропов, В. Г. Бакаев, И. А. Бенедиктов, Б. П. Бещчев, Ф. Д. Бараксин, П. Н. Горемикин, К. П. Горшенин, П. В. Дементьев, М. А. Евсеенко, В. Г. Жаворонков, Г. К. Жуков, А. Н. Задемидко, В. Н. Зотов, А. А. Ишков, И. Г. Кабанов, В. Д. Калмиков, Е. Ф. Кожевников, И. К. Козюля, Л. Р. Корниец, С. Н. Круглов, Ф. Г. Логинов, П. Ф. Ломако, Е. С. Новоселов, Г. М. Орлов, Д. В. Павлов, П. И. Паршин, И. Т. Скиданенко, С. А. Степанов, С. М. Тихомиров, Г. С. Хламов, З. А. Шашков, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. М. Пегов, СССР Давлат банки правлениесининг раиси В. Ф. Попов, Совет Иттифоқи Маршаллари И. С. Конев ва В. Д. Соколовский, армия генераллари Г. К. Маландин, И. А. Серов, СССР Фанлар академиясининг президенти А. Н. Несмеянов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси Н. Н. Романов, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, Москва Совети ижроия комитетининг Раиси М. А. Яснов, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. К. Лебедев ва А. М. Сафронов, Иқтисодий алоқа ишлари бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, ТАССнинг Мас'ул раҳбари Н. Г. Пальгунов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Меҳнат резервлари бош бошқармасининг бошлиғи Г. И. Зеленко, СССР Министрларнинг ўринбосарлари И. Г. Большаков, С. А. Борисов, В. А. Зорин, В. В. Мацкевич, В. С. Семёнов, В. Н. Столетов, Н. Т. Федоренко, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг а'золари М. В. Зимянин, М. А. Костилев, С. К. Царапкин, СССРнинг Финляндиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. З. Лебедев, СССРнинг ГДРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Г. М. Пушкин, ВЦСПС раисининг ўринбосари Л. Н. Соловьёв, ВЦСПС секретари Н. В. Попова, СССР Ташқи ишлар министрлиги 3-нчи Европа бўлимининг мудири С. Г. Лапин, Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутуниттифоқ жамияти правлениесининг Раиси А. И. Денисов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги рус православие черкови ишлари Кенгашининг раиси Г. Г. Карпов, Москва ва бутун Русь патриархининг вакили Митрополит Елевферий, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги диний э'тиқодлар ишлари Кенгашининг Раиси И. В. Польянский, СССР Олий Совети Президиуми Протокол бошлиғи Г. И. Фомин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин, Москва шаҳар коменданти генерал-майор И. С. Колесников ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида совет олимлари, артистлар, ёзувчилар, совет матбуотининг вакиллари, четэл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Москвадаги Элчиҳоналар ва Миссияларнинг Бошлиқлари бор эди.

Қабул маросими бошланиши олдидан Финляндия ва Совет Иттифоқи Давлат гимнлари ижро этилди.

Ғоят самимий вазиятда ўтган қабул маросимида К. Е. Ворошилов ва Ю. К. Паасикиви нутқ сўзладилар.

— Ҳурматли Президент жаноблари! Қадрли дўстлар! — деди К. Е. Ворошилов.— Шу кунларда Москвада Финляндия ва Совет Иттифоқининг раҳбар давлат арбоблари ўртасида олиб борилган музокаралар жуда муваффақиятли тамом бўлди ,менинг фикримча, мен шундай деб айтиш учун тамомила ҳақлиман.

Биз, музокараларга киришган пайтда ҳалқларимизни бир-бири блан боғлайдиган дўстона алоқаларнинг янада мустаҳкамланишини та'минлашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйган эдик. Музокаралар натижасида биз қабул қилган қарорлар ана шу вазифага шубҳасиз жавоб беради. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги Совет-Финляндия Шартномасининг муддатини яна 20 йилга узайтириш тўғрисидаги Битим, шунингдек Сулҳ Шартномасига мувофиқ, Совет Иттифоқи томонидан ижарага олинган Порккала-Удд ҳарбий-денгиз базаси территориясининг Совет Иттифоқи томонидан муддатидан илгари Финляндияга қайтариб берилиши мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда қарор топган самимий дўстлик ва ишончни ёрқин исбот этади.

Айни бир вақтда бу қарорлар Совет-Финляндия дўстлигини ривожлантиришда янги ,муҳим этапдир. Биз Сиз блан биргаликда ҳеч шубҳасиз, катта, яхши ишларни қилдик. Финляндиянинг ҳам, Совет Иттифоқининг ҳам ҳалқлари бу ишнинг натижаларини ма'қуллаяжагига ишонаман.

Мен ва менинг ўртоқларим азиз меҳмонларимиз — Президент Паасикиви блан ва унинг ҳамроҳлари бўлган Финляндия давлат арбоблари блан шахсан учрашиш ва чин кўнгилдан рўй-рост суҳбат қилиш имкониятига эга бўлганлигимизни айниқса қадрлаймиз.

Чинакам фин ватанпарвари ва Совет-Финляндия дўстлигини мустаҳкамлаш сиёсатини изчиллик блан амалга ошириб келаётган отоқли давлат арбоби Президент Паасикивини бизда, СССРда самимий ҳурмат қиладилар.

Биз, Бош Министр Кекконенни ҳам самимий ҳурмат қиламиз ва унинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга ғаввий ёрдам бераётганлигини биламиз.

Бизларнинг ҳаммамиз Москвага биринчи марта келган Финляндия Мудофаа министри Скуг жаноблари блан шахсан танишганлигимиздан хурсандмиз. Мен каби Скуг жаноблари ҳам металлист ишчи бўлганлигини билиш мен учун айниқса ёқимли бўлди. Скуг жаноблари мамлакатларимизнинг ҳалқларини бир-бирлари блан янада яқинлаштириш йўлидаги ҳаракатимизни қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман.

Музокараларимизнинг муваффақиятли тугалланганлиги блан чин кўнглимдан табриклаб, Финляндия Республикасининг Президенти Паасикиви жанобларининг соғлиги учун, унинг фин ҳалқи бахт-саодати йўлидаги ва Совет-Финляндия дўстлигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги самарали фаолияти учун қадаҳ кўтараман. Мен, Бош Министр Кекконеннинг, Мудофаа министри Скугнинг, Министр Свентонинг соғлигига ва Президентнинг бошқа ҳамроҳлари соғлигига ҳам қадаҳ кўтараман.

Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси ҳалқлари ўртасидаги самимий дўстлик абадий яшасин, мустаҳкамлансин ва яшнаесин!

Ю. К. Паасикиви жаноблари ўз нутқида бундай деди:

— Ҳурматли Раис жаноблари, жаноблар ! Раис Маршал Ворошилов жанобларининг менинг ша'нимга айтган дўстона гаплари учун самимий ташаккур изҳор қиламан. Бу сўзлар мени ғоят қувонтирди, мен бу сўзларни доим эсда тутаман.

Мен, бу ерда бизга кўрсатилган меҳмондўстлик учунгина эмас, балки ҳаммамиз буерда кўрган самимият, дўстлик ва қизғин тўйғулар учун ҳам чин кўнгилдан ташаккур билдираман, Буларнинг ҳаммаси менга ғоят та'сир қилди ва биз буни ҳеч қачон унутмаймиз.

Ю. К. Паасикиви жаноблари яна бундай деди: Музокараларимиз яхши натижалар берди. Биз дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1948 йилда тузилган Шартнома муддатининг узайтирилганлигини завқ блан қайд қиламиз.

Ю. К. Паасикиви жаноблари ўз нутқини тамомлаб, Финляндия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги абадий дўстлик учун қадаҳ кўтарди (ТАСС).

Германия Демократик Республикасининг Ҳукумат делегацияси В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейида бўлди

Германия Демократик Республикасининг Бош Министр ўртоқ Отто Гротеволь бошчилигида Москвага келган Ҳукумат делегацияси 18 сентябрьда В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейида бўлиб гулчамбар қўйди.

Мавзолейда бўлган вақтда СССРнинг ГДРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Г. М. Пушкин ва СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков делегация блан бирга бўлдилар. (ТАСС).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси Ҳукумат делегацияларининг музокаралари

19 сентябрьда эрта блан Москвада, Катта Кремль саройида Совет Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида бундан буён кўриладиган тадбирлар масаласи юзасидан Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси Ҳукумат Делегацияларининг музокаралари давом этди.

Германия Демократик Республикасининг Бош Министри Отто Гротеволь раислик қилди.

Мажлиснинг бош қисмида Германия Демократик Республикаси Бош Министрининг ўринбосари ва Ташқи Ишлар Министри Лотар Больцнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги шартнома» проекти ҳақида қилган доклади тингланди. Бу шартнома проекти 17 сентябрьдаги мажлисда тузилган Совет-Герман аралаш экспертлар комиссияси томонидан тайёрланган эди.

Шартнома проектини муҳокама қилиш вақтида Германия Демократик Республикаси томонидан Германия Демократик Республикасининг Бош Министри Отто Гротеволь ва Делегация а'золари — Бош Министрнинг Биринчи ўринбосари Вальтер Ульбрихт, Бош Министрнинг ўринбосари Отто Нушке, Демократик деҳқонлар партиясининг Бош Секретари Бертольд Розе, ГДР Бош Министрининг ўринбосари ва Ташқи Ишлар Министри Лотар Больц ҳамда Демократик Германия Миллий фронти Миллий Кенгаши Президиумининг Раиси Эрих Корренс сўзладилар.

Совет Иттифоқи томонидан ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрущев сўзладилар.

Навбатдаги мажлис 20 сентябрьда бўлади.

Вальтер Ульбрихт нутқи

Ўртоқ раис, азиз дўстлар!

СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Булганин ва Германия Демократик Республикаси Бош Министри ўртоқ Гротеволь фикрлари бир-бирларининкига тўла равишда мос тушган ҳолда гапириб, бу шартнома проектларининг тарихий аҳамиятини тасвирлаб бердилар. Муҳокама қилинаётган шартномалар комплекси Германия Демократик Республикасининг Халқ палатаси, Министрлар Совети ва барча гражданлари зиммасига жуда катта мас'улият юклайди. Шартноманинг 1 моддасида, Германия Демократик Республикаси ўзининг ташқи ва ички сиёсатида, шу жумладан Ғарбий Германия Федерал Республикаси блан қиладиган муносабатларида **эркин ва ихтиёрлидир**, дейилган. Бунга қарама-қарши ўлароқ, Бонн ҳукумати ғарб давлатлари блан шундай шартномалар тузганки, бу шартномалар Ғарбий Германия Федерал Республикасининг ҳуқуқларини чеклаб қўйган ва оккупациячи ғарб давлатларига Ғарбий Германияда ўз қўшинларини жойлаштиришни ва унинг ички ишларига аралашишни 50 йил муддат блан гарантиялаб қўйган.

Давлатларимиз ўртасидаги Шартнома демократик ва социалистик давлатлар ўртасидаги янги муносабатларнинг ифодасидир. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан самимий, дўстона ҳамкорлик қилган ҳолда Европада ва бутун дунёда тинчликни сақлашга ва мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат олижаноб вазифа герман ишларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш ҳуқуқларидан келиб чиқадиган биринчи вазифадир.

Герман милитаризмининг йўлини тўсишни ва Германия Демократик Республикасини ҳақиқатан суверен бўлган бирдан-бир герман давлати қилишни, тинчлиқ ва демократиянинг қўрғонига айлантиришни Германия Демократик Республикаси аввал бошданоқ ўзининг энг муҳим вазифаси қилиб қўйди. Ғарбий Германиянинг Шимолий Атлантик блокига қўшиб олинганлиги ва қайта ҳарбийлаштирилганлиги Германияни қайта бирлаштиришга халақит берган ғовни Германияда вужудга келтирди. Ғарбий Германияда ҳукмронлик қилаётган монополиячилар, банкирлар ва помещиклар синфи ўзларининг сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятларини сақлаб қолишга интилиб, Германияни бўлиб юборишга сабабчи бўлдилар ва Ғарбий Германияни четэл молия капиталининг манфаатларига бўйсундирдилар. Тинчликсевар герман халқи Ғарбий Германиянинг Шимолий Атлантик пактига қўшиб олинганлигига ҳеч қачон тоқат қилиб турмаслиги, чунки бу нарса халқнинг тинч ҳаётини таҳлика остига солиб қўяди ва Германиянинг парчаланиб кетишига сабаб бўлади. Бонн ҳукумати Германияни қайта бирлаштириш ўрнига қайта ҳарбийлаштиришни ўзи учун афзалроқ деб билиб ва халқнинг референдум ўтказиш йўли блан сулҳ шартномаси ва қайта бирлашишни танлаб олиши керакми ёки Париж битимларини ва қайта ҳарбийлаштиришни танлаб олиши керакми,—деган масалани ўз ихтиёри блан ҳал қилишига халақит бериб, бу блан ўзининг эски йўлдан, я'ни Германияни икки марта ҳалокатга олиб келган йўлдан яна бормоқчи эканлигини исбот қилди. Париж битимларининг тузилиши ҳалокатга олиб келадиган хато бўлганлигини, чунки бу битимлар Германияни қайта бирлаштирини ишига асло мос бўлиб тушмаслигини тушунаётган доиралар Ғарбий Германияда тобора кўпайиб ва кенгайиб бормоқда.

Эндиликда Германия Демократик Республикаси блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида тузилаётган шартнома тинчликсевар немисларга тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради ва уларнинг бутун Германия ҳечқачон НАТО диктатурасига ва ғарбий герман милитаристларининг диктатурасига бўйсундирилмаяжагини аниқлаб олишларига имкон беради.

Ҳозирги шартномалар комплекси Германия Демократик Республикасининг ўз ички ва ташқи ишларини ўзи эркин ва ихтиёрий равишда ҳал қилиш ҳуқуқидан келиб чиқаётган натижадир. Мен бу хусусда шуни айтиб ўтмоқчи бўлар эдимки, эркинликнинг мустаҳкам негизи, я'ни ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар ва интелигентлар блан иттифоқ бўлган ҳолда қилаётган ҳукмронлиги мавжуд бўлган жойдагина чинакам эркинлик бўлади. Аммо Ғарбий Германияда капиталистик монополияларнинг ҳукмронлиги оккупациячи давлатларнинг ёрдами блан тикланган бир вақтда, Германия Демократик Республикасида меҳнаткашлар Потсдам конференциясининг ва тўрт давлат Контроль Кенгашининг герман милитаризмини йўқ қилиб ташлаш, ер ислоҳоти ўтказиш ва монополияларни тугатиш тўғрисидаги қарорларини амалга оширадилар. Бу нарса Ғарбий Германиядаги монополистик капитал ва помещиклларнинг муайян доираларини жуда ғазаблантирганини ва шу сабабли улар Германия Демократик Республикасини танишга қарши бўлиб чиқаётганликларини яхши биламиз.

Бироқ бу нарса реал фактни — ишчи-деҳқонлар ҳокимияти ўсиб бораётганлигини ва унинг муваффақиятларини заррача ўзгартирмайди.

Германия Демократик Республикасида тинч ва демократик асосда турмушни қайта қуриш тўхтовсиз олга бораётган ҳозирги пайтда Контроль Кенгашининг қонунлари, директивалари ва буйруқлари ўз кучини йўқотаётганлигини, халқ манфаатларини кўзлаб чиқарилаётган қонунлар эса тўла равишда амалга оширилаётганлигини Германия Демократик Республикасининг аҳолиси табриклаши турган гап.

Ғарбий Германия аҳоли кўпчилигининг иродасига зид равишда ҳукмрон гуруҳлар томонидан Шимолий Атлантик пактига боғлаб қўйилиб, Боннда ҳарбий қонунлар шошма-шошарлик блан тасдиқланиб олингандан кейин Германияни қайта бирлаштириш масаласида оғир, мураккаб ҳолат вужудга келди. Жуда ҳам жатта аҳамиятга эга бўлган бизнинг шартномалар комплексида айтилганки, Европада яъни тинчликни ва хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишида ҳамкорлик қилмоқ учун, шунингдек Германияни тинчликсевар ва демократик бир бутун давлат қилиб тикламоқ учун ҳамда Германия блан сулҳ шартномаси тузиш масаласини бартараф қилмоқ учун Германия Демократик Республикаси блан Совет Иттифоқининг куч ва ғайратлари бирлаштирилаётганлиги герман халқининг ва совет халқининг манфаатларига, худди шунингдек Европадаги бошқа халқларнинг ҳам манфаатларига мос бўлиб тушади. Герман халқи СССР Олий Советига ва Министрлар Советига ҳамда шахсан Булганин ва Хрущев ўртоқларга халқаро аҳволдаги кескинликни юмшатишда ташаббус кўрсатганликлари учун ташаккур билдиради. Бу нарса Германияда ҳам кескинликни юмшатиш имкониятини беради. Биз дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳамда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш тўғрисида Германия Федерал Республикаси блан СССР ҳукумати ўртасида тузилган битимни чин кўнгилдан табриклаймиз, чунки бу ҳам кескинликни камайтиришга хизмат қилади ва Германиянинг ҳар иккала қисмини бир-бирига яқинлаштиришга ёрдам бериши мумкин. Шу нарса мутлақо равшандирки, герман милитаризмининг тикланиши Европа халқларининг тинч турмуши учун асосий хавфдир. Гитлерчиларнинг 1933 йилдаги сайловларида бўлгани сингари, герман реваншистларига ўз позицияларини кенгайтира олиш ва ўзларининг ҳарбий базаларини Одерга қадар олиб бориб, сўнгра урушни бошлаб юборадиган бўлиш имкониятини бермаймиз, буни ҳечким бизлан кутиши мумкин эмас.

Бинобарин, Европада тинчликни та'минлямоқ ва Германияни қайта бирлаштирмоқ учун фақат битта йўл бор, у ҳам бўлса Европадаги ҳамма давлатлар ўртасида коллектив хавфсизлик тўғрисида тузиладиган шартнома ёрдами блан Европадаги милитарист гуруҳларни тугатишдир. Бош министр Отто Гротеволь айни вақтда Германиянинг ҳар иккала қисми бир-бири блан яқинлашсин деб таклиф қилди. Германиянинг ҳар иккала қисмидаги ишчилар, меҳнаткаш деҳқонлар, касаба союзлар, спортчилар ва маданият арбоблари ўртасида бўлаётган ҳамкорлик ҳозир ўзининг қувончли муваффақиятларини бермоқда. Ҳар иккала герман давлатининг давлат-ҳуқуқий мавқе'илан бир-бирларининг давлатларини ўзаро таниш ва турли масалаларни иккала ҳукумат бевосита ўз ўрталарида ҳал қилишлари зарурияти келиб чиқади. Айниқса Германия Демократик Республикасининг ҳукумат органлари чегара қўриқчилигини ўзлари бажарабошлашга киришган ва Ғарбий Германия блан Ғарбий Берлин ўртасидаги алоқа йўлларини, я'ни Германия Демократик Республикаси территорияси орқали ўтган алоқа йўлларини ўзлари контроль қилабошлаган пайтдан бошлаб, жанжалли масалаларни ҳар иккала ҳукумат ўртасида расмий музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал қилишдан бошқа ҳечқандай йўл қолмади. Бонндаги ва Ғарбий Берлиндаги раҳбар сиёсий доиралар учун ҳарқанча қийин бўлса ҳам, совуқ муносабатлар уруши ёрдами блан Германия Демократик Республикасига путур етказиш ниятлари барбод бўлиши муқаррар эканлигини э'тироф қилишдан бошқа уларнинг ҳечқандай иложлари қолмайди. Буни улар қанчалик тез э'тироф қилсалар, Ғарбий Берлин аҳолиси учун шу қадар яхши бўлади.

Энди Ғарбий Германия Федерал ҳукумати аҳволга реал баҳо берсин ва ўз ҳуқуқларини фақат Ғарбий Германия Федерал Республикаси территориясидагина рўёбга чиқариши мумкинлигини англаб олсин. Унинг Германия чегаралари тўғрисидаги баёноти заррача аҳамиятга эга эмас, чунки ўз кучини сақлаб қолаётган ҳалқаро шартномалар мавжудир.

Биз Германия Демократик Республикасида совет қўшинларининг тинчлик посбони бўлиб қолишларига розимиз. Модомики, ғарб давлатлари Ғарбий Германиядан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш ва ундаги ўз ҳарбий базаларини тугатиш ниятини амалга оширмас эканлар, совет қўшинларининг Германия Демократик Республикаси территориясида туриши зарурдир. Бу нарса ишчи-деҳқон ҳокимиятининг ўз қуролли кучлари блан Германия Демократик Республикасини, меҳнаткашлар ватанини амалий равишда ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз вазифаларига асло дахл қилмайди.

Боннда ҳарбий қонунлар қабул қилиниб, агрессив қуролли кучлар вужудга келтирабошлангандан кейин, Германия Демократик Республикаси Варшава шартномасидан келиб чиқадиган ўз бурчларини ва ҳуқуқларини сра оғишмай амалга ошираверади.

Германия Демократик Республикасининг тараққиётида янги даврнинг бошланганлигининг ифодаси бўлиб хизмат қилаётган янги шартномалар комплекси герман халқи блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқлари ўртасидаги мустаҳкам, бузилмас дўстлик негизига қурилади. У тенг ҳуқуқлилик, суверенитетни ўзаро ҳурматлаш ва ички ишларга аралашмаслик асосидаги давлат-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадики, бу муносабатлар Германия Демократик Республикаси блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга хизмат қилади. Шартномалар комплекси давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий, илмий-техника ва маданий муносабатларни янада ривожлантиришга ёрдам беради. Айни вақтда бу шартномалар комплекси демократик ва социалистик давлатлар лагерини мустаҳкамлашга кўмак беради.

Биз **бутун** герман халқи блан Совет Иттифоқи ўртасидаги мустаҳкам, дўстона муносабатларни ривожлантиришни истаймиз. Бизнинг умумий вазифамиз бутун Германиянга таалуқли сулҳ масалаларини ҳал қилишга эришишдан иборатдир. Германия Демократик Республикасидаги ишчи-деҳқонлар ҳокимияти бутун герман халқининг энг биринчи истагини рўёбга чиқармоқ, герман проблемасини тинч йўл блан ҳал қилмоқ учун бутун герман халқининг тинчлик ва демократик манфаатларини ҳимоя қилишга ўзини жавобгар деб ҳисоблайди.

Биз шу нарсага аминмизки, герман ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари, интеллигенцияси ва бошқа тинчликсевар немисларнинг ҳаммаси икки жаҳон урушининг ҳалокатларидан ўзларига сабоқ чиқариб олдилар ва тинчлик, демократия ҳамда тараққиёт учун кураш йўлига дадиллик блан қадам қўядилар. Бу шартномалар комплекси Германия Демократик Республикасида ишчи-деҳқонлар ҳокимиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва бу блан тинчлик, демократия ҳамда социализмнинг улуғ ва адолатли ишига хизмат қилади.

Совет элидаги азиз дўстлар! Ҳар иккала халқимизнинг манфаатларига бирхилда хизмат қиладиган янги шартномалар комплексини тайёрлашда дўстона ҳамкорлик қилганликларингиз учун Сизларга чин кўнгилдан ташаккур айтамиз.

Отто Нушке нутқи

Раис Жаноблари!

СССР Бош Министри Жаноблари!

Совет Иттифоқи вакилларига сулҳ ҳужжатлари комплексини вужудга келтириш имкониятини берганликлари учун айниқса ташаккур айтамиз. Ҳозирги замон сиёсатчиларигина эмас, ҳаттоки, келгуси тарихчилар ҳам бу шартномани Германия шартномаси деб аталган, Париж битимларининг ажралмас таркибий қисми бўлган шартнома блан таққослаб кўрадилар. Биз шундай шартномага эгамизки, бу шартномада Германия Демократик Республикасининг сиёсий тенг ҳуқуқлилиги юридик жиҳатдан белгиланиб берилмоқда. Германия Демократик Республикасида—чинакам суверинитет берилган, бизга берилган суверинитет шартнома асосида гарантияланган, Бонндаги суверинитет эса ҳужжатсиз берилган суверинитетдир.

Бу шартномага қарама-қарши ўлароқ, Германия шартномасида, Бонн Германияни қайта бирлаштириш тўғрисида музокаралар олиб бориш ҳуқуқини ўзининг шартномадош ғарбий шерикларига топшириб қўйганлиги қайд қилинган. Шу сабабли доктор Аденауэр жанобларининг Германияни қайта бирлаштириш тўғрисида музокаралар олиб боришни буерда да'во қилиб ғалирганлиги мантиққа тўғри келмайдиган бир нарсадир. Аслини олганда, бу блан у ғарб давлатлари блан тузган ўз шартномасини бузди. Бироқ биз бу тўғрида у блан бахслашмоқчи эмасмиз. Кундузи кечасидан қандай фарқ қилса, Бонн шартномасидан ҳам шундай фарқ қиладиган шартнома буерда ишлаб чиқилаётганлигини мамнуният блан қайд қилиш имкониятига эга бўлганлигимиз бизнинг учун кифоядир. Биз ўзимизнинг ички ва ташқи сиёсат масалаларимизни, шу жумладан Германия Федерал Республикаси блан муносабатлар масаласини, шунингдек бошқа давлатлар блан муносабатларни ривожлантириш масаласини ҳам ҳал қилишда эркли ва ихтиёрлимиз. Ҳар иккала мамлакатимизнинг манфаатларига таалуқли масалалар устида ўзаро маслаҳатлашаётганлигимиз бир-биримизнинг ўртамизлаги мавжуд дўстона муносабатларнинг ифодасидирки, буерда бу муносабатларни қатто қақли равишда қардошлик муносабатлари деб ҳам айтилди.

Бироқ, бу маслаҳатлашувларда бизнинг олдимизга шартномада белгиланган мутлақо муайян мақсад қўйилган, у ҳам бўлса, тинчликнинг бузилишига йўл қўймаслиқдан иборат юксак мақсадир. Бу блан маслаҳатлашувнинг ўзи ҳам бу шартноманинг тинчлик характеридаги шартнома эканлигини та'кидламоқда. Шартноманинг 4-нчи моддасида, совет қўшинлари Германия Демократик Республикасида вақтинча қоладилар деб белгиланган эқан, шу блан бир вақтда, совет қўшинлари Германия Демократик Республикасининг ички ишларига ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралашаолмайдилар, деб ҳам белгиланган. Хўш, Аденауэрнинг ғарб давлатлари блан тузган ва Германия шартномаси деб аталган шартномасида бу тўғрида нима дейилган? Ғарб давлатлари ўзлари зарур деб топсалар, истаган вақтларида сиёсий ва давлат ҳокимиятини яна ўз қўлларига оладилар, деб ўша шартномала писанда қилиб қўйилган. Улар ўз ҳарбий комендантларининг ҳар қайсиси учун ҳам мана шу ҳуқуқ рўёбга чиқарилишини қаттиқ талаб қилмоқдалар. 6-нчи моддала совет қўшинларининг жойлаштирилиши муваққат характердаги бир иш эканлиги қат'ий қилиб кўрсатилган. Мана шу муваққат характер Париж битимларининг тегишли моддаларига бутунлай қарама-қарши бир нарсадир, чунки Париж шартномаларида бунинг учун 50 йиллик муддат белгиланган.

Мен шу нарсага аминманки, бу шартнома э'лон қилинганидан кейин ғарбий Германиядаги кишилар чинакам суверинитет блан Боннлаги ўўжа кўрсинга бўлган суверинитет ўртасида жуда катта тафовут борлигини тушуниб оладилар. Буни айниқса Германия Демократик Республикамизнинг христиан аҳолиси, шунингдек Бонн республикасидаги христиан аҳоли тушуниб олади Улар бу шартноманинг этика ва христианлик нуқтаи назаридан бўлган ҳақиқий аҳамиятини тушуниб оладилар.

Германия Демократик Республикасида, шунингдек Ғарбий Германия Федерал Республикасида бўлган кишилар буерда ҳақиқатан ҳам сулҳ ҳужжатлари комплекси вужудга келтирилганлигини тушунадилар. Яна шуни ҳам айтмоқ керакки, бу шартнома Германиянинг бирлигини тикламоқ учун ғоят муҳим инструментдир. Ган бутун Германияни ҳақиқатан тинч йўл блан қайта бирлаштириш устида бормоқда, шунинг учун ҳам биз Совет ҳукумати вакилларига ҳозирги вақтда немис халқига чинакам сулҳ ҳужжатлари комплекси совға қилинганлиги учун ғоят ташаккур айтамиз.

Бертольд Розе нутқи

Муҳтарам раис Жаноблари!

Азиз дўстлар!

Немис халқи учун шу қадар катта аҳамиятга эга бўлган бу музокараларда Германия Демократик деҳқонлар партиясининг ва меҳнаткаш деҳқонларнинг вакили сифатида қатнашаётганлигим менга алоҳида хурсандлик бағишламоқда.

Яқиндагина Германия Демократик Республикасининг меҳнаткаш деҳқонлари демократик ер ислоҳотининг 10 йиллигини байрам қилган эдилар. Биз ўз юртимизда Потсдам қарорларини амалга оширдик, юнкерларни ҳукмронликдан маҳрум этдик ва бу блан милитаризм илдизларидан бирини батамом юлиб ташладик. Бизнинг деҳқонларимиз ўтмишдан ўзларига ҳулосалар чиқариб олдилар ва тинчликка астойдил интилиб ишламоқдалар.

Тинчлик туфайли ерлар унумдор бўлади, далалар гулзорга айланади ва ҳосил мўл бўлади. Биз ер юзидаги ҳамма халқлар блан ва айниқса Совет Иттифоқи халқлари блан тинч ва дўст бўлиб яшашни истаймиз. Бу дўстлик бизнинг музокараларимизда ҳукмрон бўлган қардошларча ҳамкорлик руҳидаги дўстлик бўлиши лозим. Шу сабабли мен аминманки. Германия Демократик Республикасидаги деҳқонларимиз бу ерда ариқилган битимларни бутун куч ва ғайратлари блан қўллаб-қувватлайдилар.

Бироқ юртимизнинг ғарбида милитаризмни вужудга келтираётган кучлар яна ўз килгиликларини қилаётганликлари бизни ғоят ташвишга солмоқда. Землячества шовинизм пропагандасини олиб бормоқда. «Пўлат шлем» а'золари яна марш қилиб юринтилар. Биз, меҳнаткаш деҳқонлар, модомики, «Пўлат шлем» ва бошқа голдатлик бирлашмалари марш қилиб юрар экан, тинчлик, бизнинг ишчи-деҳқонлар давлати хавф-хатар остида қолишини биламиз.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси Ҳукумат делегацияларининг музокаралари

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Муҳтарам раис жаноблари, Сиз ўз нутқингизда, немис территориясида ижтимоий системалари турлича бўлган икки давлат вужудга келди деб жуда тўғри гапни айтдингиз. Меҳнаткаш деҳқонлар кўп қурбонлар бериб, асрлар бўйи кураш олиб борганларидан кейин юнкерлар ва монополиячиларнинг эксплуатациясидан ва зулмидан озод бўлдилар.

Меҳнаткаш деҳқонлар ишчилар синфи блан мустаҳкам иттифоқ бўлиб ва унинг раҳбарлиги остида ўзлари учун янги ҳаёт қуриб олдилар, ўз ерларида эркин деҳқонлар бўлиб қолдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай дейиш мумкинки, улар биринчи марта турмушнинг ҳақиқий ма'носини билиб олдилар. Бироқ, афсуски, юртимизнинг фақат бир қисмидагина шундай бўлди. Ғарбий Германияда қишлоқ хўжалик ишчилари ва меҳнаткаш деҳқонлар демократик ер ислоҳотини умид қилган эдилар, лекин улар алдандилар. Улар: «Юнкерларнинг ерлари деҳқонларга олиб берилсин» деб ҳарқачонгидан кўра баландроқ овоз блан талаб қилмоқдалар. Ер—ишлаганники. Бу эса бутун Германия учун тарихий, ижтимоий ва миллий зарурлиятдир.

Шу сабабли демократик ер ислоҳотининг 10 йиллитида Германия Демократик Республикасидаги меҳнаткаш деҳқонлар, ишчи-деҳқон давлатимиз қўлга киритган ғалабалардан биз ҳечқачон воз кечмаймиз деб қат'ий қилиб айтдиларки, бунинг сабаби ма'лумдир. Ҳозирги кунда эркин деҳқонлар яшаб турган ерларда энди асло юнкерлар ҳукмронлик қилаолмайдилар. Эндиликда бизнинг меҳнаткаш деҳқонларимиз тинчликка муҳаббат қўйишнинг ўзигина кифоя қилмаслигини, шу блан бирга, тинчликни ҳимоя қилиш ҳам кераклигини тушуниб олдилар. Биз узоқ муддатли тинчлик учун ва бир бутун тинчликсевар ва демократик Германия учун курашнинг негизи бўлган ишчи-деҳқон давлатимизни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлайберамиз.

Ҳозирги кунда бизнинг далаларимизда совет комбайнлари ишламоқда. Бизнинг меҳнатимиз анча осонроқ бўлиб қолди. Совет новаторлик методларини қўлланиш кўп деҳқонлар учун фаровонлик манбаи бўлиб қолди.

Бизнинг умумий шартномаларимизда кўзда тутилганидек, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда янада яқиндан ҳамкорлик қилиш меҳнаткаш деҳқонларимиз учун ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативларимиз учун янги кенг имкониятлар очиб беради.

Тинчликни мустаҳкамламоқ учун, Европа халқларининг хавфсизлиги учун ва Германия масаласини тинч йўл блан ҳал қилмоқ учун олиб бораётган курашимизда биз бугун муҳокама қилаётган шартнома бизга катта ёрдам беради. Бизнинг ҳозирги музокараларимиз немис халқининг ишончли ва бақувват дўстлари борлигини ҳарқачонгидан кўра равшанроқ қилиб кўрсатмоқда.

Ижкала халқимиз ўртасидаги бузилмас дўстлик, Совет Иттифоқи кўрсатаётган улуғ ўрнак, ишчилар синфи блан бўлган мустаҳкам иттифоқ биз ,меҳнаткаш деҳқонларга немис халқининг адолатли иши учун курашда фахрий жой олишда кучқувват беради.

Н. А. Булганин нутқи

Мен аввало бугун «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида Шартнома» проекти жаби бунчалик муҳим ҳужжатни тайёрлаган Комиссия а'золарига ташаккур изҳор қилишни бурчим деб ҳисоблайман. Бу Шартнома Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги тарихий этап бўлади.

Совет ҳукумати тақдим этилган ҳужжатнинг текстига тамомила қўшилади.

Биз бугун буерда Германия Демократик Республикаси делегацияси а'золари—ГБСП Марказий Комитети Биринчи секретари, Бош Министр Ўринбосари Ўртоқ Ульбрихтнинг, Бош Министр Ўринбосари ва Христиан-демократик иттифоқ партияси раиси Ўртоқ Нушкенинг, Демократик деҳқонлар партиясининг бош секретари Ўртоқ Розенинг, Германия Демократик Республикаси Бош Министрининг Ўринбосари ва Ташқи Ишлар Министри ҳамда миллий-демократик партиянинг Раиси Ўртоқ Больцнинг, Демократик Германия Миллий фронти Миллий Кенгаши Президиумининг Раиси профессор Корренснинг нутқларини зўр қониқиш блан тингладик. Биз улар изҳор қилган фикрларга тамомила қўшиламиз. Биз «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида Шартнома»нинг шу проектига алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Бу Шартнома суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш асосида, ҳуқуқий тенглик ва ички ишларга аралашмаслик асосида давлатларимиз ўртасида мустаҳкам ҳамкорликни янада ривожлантиришга ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга шубҳасиз ёрдам беради. Шартнома 1954 йилдаги Парж битимлари кучга кирганлиги муносабати блан вужудга келган янги вазиятни ҳисобга олади. Шу нарса айниқса кувончлики. Шартома Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикасининг Европада халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериш мақсадида биргалашиб ҳаракат қилишларини кўзда тутади. Шартнома Германияни тинчликсевар ва демократик бир бутун давлат қилиб тиклаш ишига ёрдам беради. Бу Шартнома совет ва герман халқларининг манфаатларига ҳам, шунингдек Европадаги бошқа халқларнинг манфаатларига ҳам мувофиқдир.

Биз, ўз ўртамиздаги муносабатлар ўзаро ҳурмат қилишга ва давлатларимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўла тенглигига асосланади ,деб та'кидлаймиз. Ана шу Шартномага мувофиқ, буерда айтиб ўтилганидек, Германия Демократик Республикаси ўзининг ички ва ташқи сиёсатига доир масалаларни эркин ҳал этаолади, шу жумладан, Германия Федерал Республикаси блан муносабатлар ўрнатиш, шунингдек, бошқа ҳамма давлатлар блан муносабатларни ривожлантириш масалаларини эркин ҳал этаолади. Шу муносабат блан Совет ҳукумати СССРнинг Германиядаги Олий Комиссарини бундан буён сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани қараб чиқди. Совет ҳукумати Германиядаги Контроль Кенгашнинг 1945—1948 йилларда нашр этган қонунлари, директивалари, буйруқлари ва бошқа қарорлари тўғрисидаги масалани ҳам қараб чиқди ва қарор қабул қилди. Мен бу қарорни Германия Демократик Республикаси Делегациясига, Сиз, Ўртоқ Бош Министрга ма'лум қилишни истайман.

Совет ҳукумати СССРнинг Германиядаги Олий Комиссари лавозимини бекор қилишни ва СССРнинг ГДРдаги элчисига умуман Германияга тааллуқли бўлиб, тўрт давлатнинг тегишли қарорларидан келиб чиқадиган масалалар юзасидан АҚШ, Англия, Франциянинг Германия Федерал Республикасидаги вакиллари блан тегишли алоқаларда бўлишни топширди.

Германиядаги Контроль Кенгашнинг ижтимоий ҳаётни тинчликсеварлик ва демократик асосларда қайта қуриш тўғрисидаги қарорлари Германия Демократик Республикасида амалга оширилганлиги муносабати блан ва Германия Демократик Республикасидаги мавжуд қонунлар мазкур қарорларни ўз кучида сақлаб қолишга ҳечқандай эҳтиёж қолдирмаганлигини э'тиборга олиб, Совет ҳукумати Германиядаги Контроль Кенгашининг 1945—48 йилларда нашр этилган тегишли қарорлари, директивалари, буйруқлари ва бошқа қарорлари Германия Демократик Республикаси территориясида ўз кучини йўқотади, деб белгилашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўртоқ Бош Министр, Германия Демократик Республикаси Ҳукумат делегациясининг а'золари, ўртоқлар, бугунги мажлисимиз, шубҳасиз, тарихий мажлисдир. Бу мажлис халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихига ёзилиб қолади. Ма'лумки, тарихий воқеаларга ҳамиша ҳам бирданига муносиб баҳо берилади, деб бўлмайди. Замондошларимизга буларнинг ҳаммаси ба'зан одатдаги нарсалар бўлиб, кундалик ҳаётимизнинг бир қисми бўлиб кўриниши мумкин.

Аммо, менинг фикримча, бугун буерда сизнинг Делегациянгиз вакиллари томонидан айтилган жуда яхши гапларнинг ва сизнинг давлатингиз блан бизнинг давлатимиз ўртасида тузилган Шартномага ёзилган гапларнинг аҳамияти бугунги тасаввурларимиздан анча кенгроқдир. Бизда, музокараларимиз давомида бўлаётган ишларнинг ҳаммаси ва биз имзолайдиган ҳужжатлар икки давлатимиз ўртасидаги, я'ни давлат ҳокимияти халқ қўлида, ишчилар, деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенция қўлида бўлган икки давлатимиз ўртасидаги муносабатлар тарихига ёзилиб қолади ва ишчилар, деҳқонлар ҳамда меҳнаткаш интеллигенция, я'ни халқ бегараз дўстликкга асосланган, халқларнинг фаровонлиги, осойишта яшашидан иборат бирдан-бир мақсадни кўзатган ўз давлат муносабатларини қандай қуришлари кераклигини кўрсатучи намуна бўлиб хизмат қилади.

Сўзимнинг охирида музокараларимиз вақтида эришган нараларимизнинг ҳаммаси герман ва совет халқларининг манфаатларига, шунингдек Европадаги бошқа халқларнинг манфаатларига жавоб беради, деб ишонч билдиришга рухсат этингиз.

Лотар Больц нутқи

Муҳтарам Раис Жаноблари!

Мен ўзимнинг қисқача нутқимни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҳукумат делегациясига ташаккур сўзларини айтиш блан бошлашни истар эдим. Мен музокараларга қўйилган масалалар учун ҳам, музокараларнинг бориши учун ҳам ташаккур бildираман.

Ушбу шартнома ўзининг 1-нчи моддасида, Германия Демократик Республикаси ўзининг ички сиёсат масалаларини ҳам, ташқи сиёсат масалаларини ҳам ҳал қилишда эркли ва ихтиёрли эканлигини та'кидлайди. Мана шундай иккиёқлама шартнома тузилиб ,муносабатларимиз давлатҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳал қилинаётганлиги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида 1954 йил 26 мартда э'лон қилинган баёнотнинг изчил давомидир. Бизнинг ташқи сиёсат соҳасида тўла равишда эркли бўлишимиз ташқи сиёсатимизни изчиллик блан давом қилдиришимизнинг ўзгинасидирки, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан бўлган самимий ва астойдил дўстлик мана шу ташқи сиёсатимизнинг пойдеворидир. Шу сабабли биз шартнома йўли блан дўстона муносабатларимизни мустаҳкамлаш ва бу муносабатларни янада ривожлантирмоқ учун негиз яратиш имкониятини айниқса табриклаймиз.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан бизнинг муносабатларимиз шунга асосланмоқдаки, Совет Иттифоқи жуда кўп қурбонлар бериб, немис халқини гитлерчилар истибдодининг асоратидан халос қилди. Бизнинг муносабатларимиз мақсадлар бирлигига асосланмоқдаки, бу нарса республикамиз территориясида милитаризм блан фашизмни йўқ қилиб ташлаш натижасидагина мумкин бўлиб қолди, Германия Демократик Республикасида давлат ҳокимияти ишчилар блан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқига асосланаётганлиги натижасидагина мумкин бўлиб қолди, ер ислоҳоти, саноатдаги ислоҳотлар, халқ саноати вужудга келтирилиши, ма'мурий ислоҳотлар ва бошқа ислоҳотлар натижасидагина мумкин бўлиб қолди. Шу сабабли халқаро аҳволга ва халқаро соҳалардаги вазифаларга баҳо беришда бизнинг фикримиз биттадир. Бизнинг бамаслаҳат фикримиз шуки, биз биргаликда битимларга келмоқ учун музокаралар олиб бориш йўли блан халқаро масалаларни ҳал қилиш, халқаро кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик қилиш зарур деб айтмоқдамиз. Бу мақсадни рўёбга чиқаришда Европада хавфсизликни та'минлаш жуда катта аҳамиятга эгадирки, бу нарса ушбу шартноманинг 2-нчи моддасида кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ҳар иккала немис давлатининг бу маҳ'улиятли вазифани, ҳал қилишда ҳамкорлик қилиши ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Шу тарика бизнинг республикамиз блан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар манфаатларимиз умумийлигининг, гоят самимий дўстликнинг, ҳар иккала томон бир-бирига ишонч блан қараётганлиги ва ҳамжиҳат бўлиб ишлаётганлигининг ифодасидир.

Иккита немис давлатининг мавжудлиги реал кўриниб турган нарсадир. Давлат ва ижтимоий тузуми турлича бўлган ва, шундай қилиб, ташқи сиёсати ҳам турлича бўлган бир-биридан бўлак иккита немис давлати мавжуддир. Мен бу ерда Федерал Республиканинг ташқи сиёсати тўғрисида бирор гап айтмоқчи эмасман, мен СССР блан Федерал Республика ўртасидаги муносабатларнинг нормаллаштирилганлигини кескинликни юмшатишдан иборат бўлган совет сиёсатининг катта муваффақияти деб чин кўнгилдан табриклайман.

Германия Демократик Республикасининг ташқи сиёсатига келганда мен фақат шу нарсани уқтириб ўтмоқчиманки, биз зўравонлик ва совуқ муносабатлар урруши сиёсатига қат'иян қаршимиз, бўлар иш бўлди деб индамай қараб туриш сиёсатига, музокаралар олиб бормоқ учун дастлабки шартлар қўйиш сиёсатига, лўқ уриш ва куч кўлланиш сиёсатига қат'иян қаршимиз. Биз бошқа халқларнинг ички ишларига аралашиш сиёсатига қат'иян қаршимиз. Биз фактлар блан ҳисоблашмайдиган ва хомхаёлларга амал қилаётган, хомхаёллар фактларга тўғри келмай қолганда бунинг учун фактларни айбли деб ҳисоблайдиган сиёсатга қат'иян қаршимиз.

Биз герман милитаризмининг эски сиёсатига қаршимиз, бу сиёсат яна шу нарсала ҳам ифодаланардики, герман милитаризми ҳамиша жаҳондаги энг реакцион кучлар блан, келажакнинг эмас, балки ўтмишнинг намоянда ларининг кучлар блан иттифоқлар тузишга интилар эди. Бунга герман империализмининг биринчи жаҳон урушида тузган, шунингдек, иккинчи жаҳон уруши вақтида тузган иттифоқлар системаси мисол бўлаолади; Ғарбий Германияда бош кўтариб келаётган герман милитаризми ҳам ана шу методлар асосида ишламоқда.

Дарҳақиқат, ҳар иккала герман давлати икки хил ташқи сиёсатнинг мисоли бўлаолади. Биз Чехословакия республикаси блан Варшавада, ҳар иккала халқимизнинг бутун тарихида биринчи марта ўлароқ, иттифоқ туздик. Польша Халқ Республикаси блан Одер-Нейсse чегараси бўйлаб иккала халқимизнинг бутун тарихида биринчи марта ўлароқ, тинчлик ва дўстликнинг дахлсиз чегарасини вужудга келтирдик. Бизнинг мана шу иккала ён қўшнимиз блан муносабатларимиз мустаҳкам дўстликка ва яхши қўшничиликка асосланган, тинчликка ва хавфсизликка ёрдам бераётган муносабатларнинг, тўла равишда ўзаро ишончга таянаётган муносабатларнинг намунасидир. Аммо Франция, Бельгия, Голландия, Люксембург, Дания ўз иттифоқдошита ташвиш, хавотирлик ва қўрқиш назари блан қарамоқдаларки, бу иттифоқдошнинг бош кўтариб келаётган милитаризми биринчи галда шуларнинг ўзларига қарши қаратилган милитаризмдир.

Шу тарика, Европада иккита герман давлатининг мавжудлиги шундай бир масалани кўтардики, модомики,— Европада хавфсизликнинг та'сирчан системаси — Германия Демократик Республикаси бундай системани ҳоҳлайди — вужудга келтирилмас экан ва бу блан шу масалага тўғри жавоб берилмас экан, халқлар ўзларини бехавотир деб ҳис қилаолмайдилар.

Республикамизнинг манфаатлари, бутун немис халқининг манфаатлари, унинг келажаги, унинг наф'и, унинг миллий фазилати Германия Демократик Республикасининг тинчлик лагерида мустаҳкам туришини талаб қилади. Шу блан бир вақтда, биз бошқа ҳамма мамлакатлар блан астойдил муносабатларни тиклашга тайёрмиз, албатта, бунинг учун шу мамлакатлар тенг ҳуқуқлиликни, суверинитетни, территориал дахлсизликни, аралашмасликни ва ўзаро манфаатдорликка интилишни э'тироф қилишлари шарт.

Мен ўз нутқимни ташаккур билдириш блан бошлаган эдим. Нутқимни шу ташаккуримни такрорлаш блан тамомлашни истайман.

Н. С. Хрушчев нутқи

Мен бу масалада ўртоқ Булганин айтган гапларнинг ҳаммасига тўла равишда қўшиламан.

Мен шу нарсани айтиб ўтишни истар эдимки, бизнинг фикримизча, Демократик Германия Миллий фронтида бирлашган сиёсий партияларнинг бир-бирлари блан яқиндан ҳамкорлик қилишлари Германия Демократик Республикасининг ривожланиши учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Мана шу партияларнинг ва шу партиялар раҳбарларининг биргаликда ишлашлари Германия Демократик Республикасининг хўжалигини ва маданиятини ривожлантиришда анча муваффақиятларга эришишда, Германия Демократик Республикаси блан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона муносабатлар вужудга келтиришда ва шу муносабатларни янада мустаҳкамлаш ишида катта роль ўйнайди, буни биз ҳаммамиз яхши биламиз.

Миллий фронтнинг аҳамияти тўғрисида гапирган вақтда мен Демократик Германия Миллий фронти Миллий Кенгаши Президиумининг Раиси профессор Корренснинг самарали фаолиятини ҳам қайд қилиб ўтишни истар эдим.

Миллий фронт партиялари ўртасида сидқидил блан ва ҳартомонлама қилинаётган ҳамкорлик сизларнинг олга боришингиз учун гаровдир. Шу сабабли мен Германия Демократик Республикасининг экономикасини янада юксалтириш ва унинг аҳолиси фаровонлигини ошириш йўлида, немис халқининг бахт-саодати ва умумий тинчлик ишларининг равнақи учун партиялар ўртасидаги яқиндан бўладиган ҳамкорликни ривожлантиришда бундан буён ҳам муваффақиятлар қўлга киритилишини истаганлигимни изҳор қилиб ўтмоқчиман.

Бундай ҳамкорлик бўлишига эришиш оддий вазифа эмаслигини тушунамиз. Ҳамма масалалар бўйича партиялар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик қилиш турмушда учраладиган осонлик блан рўёбга чиқмайди. Турли фикрлар туғилишига сабаб бўладиган масалалар ҳам пайдо бўлиб қолади. Мана шундай масалаларни ҳал қилишда сиёсий донишмандлик кўрсатиш талаб этилади. Модомики, партиялар коалицияси мавжуд экан, шу коалицияга кирган партияларнинг манфаатлари блан ҳисоблашиш, ҳамма масалаларни ҳал қилиш йўлларини қидириш ва топиш зарур. Бунда, албатта, бир-бирига ён бериш зарурлигини кўзда тутмоқ керак, лекин бу ён беришлар Германия Демократик Республикаси ўз олдига қўйган асосий мақсадга зарар етказмаслиги лозим.

Партиялар коалицияси фақат шундай йўл блангина мустаҳкамланиши ва, бинобарин, Германия Демократик Республикаси эришган ғалабалар кўчайтирилиши мумкин.

Немис халқи олдида турган ва миллионмиллион немисларнинг э'тиборини жалб қилиб турган иш вазифа бор, у ҳам бўлса — немис халқини тинчликсевар демократик бир бутун немис давлатида қайта бирлаштириш вазифасидир. Биз бу вазифани муваффақиятли ҳал қилишга бутун кучимиз блан ёрдам беришга ҳамиша тайёрмиз. Биз реалистлармиз; ҳарқандай сиёсий масалани ҳал қилишда ва ана шу масалани ҳам ҳал қилишда биз вужудга келган шароитга сергаклик блан баҳо беришимиз лозим. Немис давлатини немис халқига ва Европа халқларига фойдали бўладиган тарзда қайта бирлаштириш фақат бир томонгагина боғлиқ бўлган иш эмас. Бунда икки томон: Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикаси бор. Бундан ташқари яна тўрт давлат ҳам борки, улар муайян шартлар ва мажбуриятлар блан боғланганлар ва Германия масаласини ҳал қилиш тўғрисидаги уларнинг фикрлари ҳам шу вақттача бир-бирига тўғри келмасдан турипти. Шу сабабли биз сохта хомхаёлларга берилмаслигимиз лозим.

Ма'лумки, яқин вақт ичида тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг Женевада учрашуви бўлади. Бу учрашувда бошқа масалалар қаторида Германия масаласи ҳам кўйилади. Бу хусуда бизнинг нуқтаи назаримиз аниқ ва равшандир. Мен ўз нутқимда ҳозир конкрет фактларга тўхталиб ўтмоқчиман. Фактлар эса шулардан иборат: ташқи ишлар министрлари Женевада тўпланадиган тўрт давлатдан учтаси Шимолий Атлантик блокига (НАТОга) а'зо бўлган давлатлардир, битгаси эса шу блокда а'зо бўлмаган давлатдир. Яна бунинг устига НАТО мана шу давлатга қарши қаратилган блокдир. Уч давлат ҳукуматлари Германия Федерал Республикаси Ҳукумати блан бирликда, ўзлари кўйган шартлар блан Германиянинг қайта бирлаштирилишини истамоқдалар ва қайта бирлаштирилган Германиянинг ҳам НАТОга а'зо бўлиб киришини истамоқдалар. Бу йўл немис халқининг манфаатларига мос келмайди, Европа халқлари хавфсизлигининг ва халқаро кескинликни юмшатишнинг манфаатларига мос келмайди, деб ўйлайман. Воқеаларнинг шу тахлитда ривожлантирилишига ва бунинг натижасида Совет Иттифоқига ҳамда Халқ демократияси мамлакатларига қарши қаратилган Шимолий Атлантик ҳарбий блоки (НАТО)нинг кучайиб кетишига биз асло розн бўлолмаймиз, Шу сабабли Германия Федерал Республикаси вакиллари блан музокаралар бўлган вақтда Аденауэр жанобларига, амалга ошмайдиган нарсани биздан талаб қилманг, деб дангал қилиб айтдик. Биз унга айтдикки, Германияни қайта бирлаштириш соҳасидаги сизнинг планингизга ёрдам беришимиз мумкин эмас, НАТОга — я'ни бизга қарши, тинчлик ишига қарши қаратилган ташкилотга ёрдам беришимиз мумкин эмас. Шу тахлитдаги ҳолларда немислар ҳам шундай қилур эдилар, деб ўйлайман.

Париж битимларининг имзоланиши ва кучга кириши, Германия Федерал Республикасининг НАТОга а'зо бўлиб кирганлиги Германия иккала қисмининг бир бутун немис давлати бўлиб бирлаштирилиши учун жиддий ғов вужудга келтирди.

Шундай бир савол туғилади: хўш, немис халқининг қайта бирлашиш тўғрисидаги истак ва орзулари қай тахлитда қондирилади; мавжуд ҳолат абадий сақланиб қолаверадими, ахир? Бу саволга биз аниқ ва муайян жавоб бериб айтамизки, немислар бу масалани ўзлари ҳал қилишлари лозим. Немислар, бамаслаҳат иш кўрингиз! Немис масаласини немисларнинг ўзларидан кўра ҳеч ким яхшироқ ҳал қилолмайди. Германиянинг қайта бирлаштирилиши шу тахлитда амалга оширилиши лозимки, бир бутун немис давлати тинчликсевар, демократик давлат бўлсин, немис давлатининг кучлари бошқа давлатларга қарши қаратилган бўлмасин, Германия масаласининг шу тахлитда ҳал қилинишига биз ҳартомонлама ёрдам берамиз.

Равшандирки, ҳозирги шароитда немис масаласини мана шу асосда ҳал қилиш қийин иш бўлиб қолди. Биз яқинда Германия Федерал Республикасининг вакиллари блан учрашдик ва суҳбатлашдик. Германия Федерал Республикасининг вакиллари блан бўлган музокаралар бу масалани тезроқ ҳал қилиш йўлида катта қийинчиликлар турганлигини кўрсатди. Германия Федерал Республикасининг делегацияси блан музокаралар олиб бориладаётганида, танаффуслардан бирида Аденауэр жаноблари, Шимолий Атлантик блоки тинчлик мақсадлари учун тузилган, бу ташкилот Совет Иттифоқига ҳеч бир даражада таҳдид қилмайди, деган гапларни айтиб, мени бунга ишонтирмоқчи бўлди. Лекин биз Париж битимлари ҳарбий битимлар эканлигини яхши биламиз. НАТО ҳарбий ташкилот сифатида тузилганлигини, НАТОнинг Европадаги ўз қуролли кучларига бош қўмондон қилиб генерал Грюнтерни тайинлаб қўйганлигини ҳам биламиз. Бинобарин, НАТО спорт ташкилоти эмас, у спорт мусобақалари тайёрламоқ учун тузилган эмас, футбол ўйинлари ўтказмоқ учун тузилган эмас. Ма'лумки, Грюнтер футбол командасининг тренери бўлиб ҳисобланмайди, уни ҳамма уруш учун «командани машқ қилдираётган» генерал деб билади, бу уруш эса Совет Иттифоқига ва халқ демократияси мамлакатларига қарши қаратилган уруш бўлади. Буни пайқамаслик мумкин эмас.

НАТО мудофаа мақсадида тузилган деб буни бизга исбот қилишга урindилар, Ўз вақтида биз НАТО қатнашчиларига мурожаат қилиб, агар НАТО мудофаа учун тузилган бўлса, у ҳолда биз ҳам мана шу «мудофаа ташкилотига» киришни истаймиз, деб айтган эдик. Лекин ма'лумки, Совет Иттифоқи қабул қилинмади. Бу факт ҳам НАТОнинг Совет Иттифоқига қарши қаратилганлигини кўрсатиб турипти.

Мутлақо равшандирки, Париж битимларининг кучга кирганлиги, Германия Федерал Республикасининг НАТОга а'зо бўлиб кирганлиги немис масаласини ҳал қилишда жиддий ғов бўлиб қолди. Биз бирдан-бир тўғри йўлни таклиф қилмоқдамиз —бу масалани ҳал қилишни немис халқининг ўзига топшириб қўйилсин, деб айтмоқдамиз, немислар бу масалани тўғри ҳал қилиш учун йўл топадилар.

Агар мен, немис миллати ва Совет Иттифоқи халқлари бир-бирлари блан тинч, дўстона муносабатда бўлишдан манфаатдор деб айтсам, ҳаммамизнинг фикримизни ифодалаган бўламан, деб ўйлайман.

Мен шуни айтмоқчиманки, афтидан, Германияда иккита давлат — Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикаси мавжудлиги блан ма'лум вақтгача ҳисоблашишга тўғри келади.

Совет Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасида самимий дўстона муносабатлар вужудга келди. Совет Ҳукумати Германия Федерал Республикаси блан ҳам дўстона муносабатларни йўлга қўйишга ҳартомонлама интилаберади ва Германиянинг ҳар иккала қисмини яқинлаштиришга ёрдам беришга ҳаракат қилаберади.

Мен коммунист сифатида ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Секретари сифатида, ўз фикримни буерда ўлтирганлар албатта қабул қилсин деб талаб қилмай, шуни айтмоқчиманки, Маркс — Энгельс — Ленин — Сталин та'лимотига амал қилаётган бизнинг партиямиз олдида коммунизм қуришдан иборат энг олижаноб мақсад турипти. Биз интилаётган нарса шуки, кишини киши эксплуатация қилиши бўлмасин, киши — кишига дўст бўлсин, меҳнат самараларидан ва фан самараларидан ҳамма халқ баҳраманд бўлсин. Агар ҳамма халқлар тараққиётнинг мана шундай йўлита кирсалар, бу нарса урушлар бўлишига йўл қўймаслик учун турсин, ҳатто ҳечқандай қуролли конфликтлар бўлишига ҳам ўрин қолдирмайди.

Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари социалистик қурилиш йўлига тушиб олдилар. Бу, немис халқининг ҳаётида улуғ тарихий воқиадир. Мана шу йўлда сизларни қўллаб-қувватламоқдамиз. Биз сизларнинг катта яратучилик ишингизда тўла муваффақиятлар қозонишингизни тилаймиз. Сиз бу йўлда янги ғалабаларга эришаолувингизга аминмиз. Германия Демократик Республикасидаги социализм қурилиши шу қадар муҳим ишдирки, бу ишнинг бутун аҳамиятини ва улуғлигини тўғри ифодаламоқ учун ҳозир ҳатто сўз излаб топиш ҳам қийин.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Эрих Корренс нутқи

Муҳтарам Раис Жаноблари!

Азиз дўстлар!

Бизнинг делегациямиз Германия Демократик Республикаси блан Совет Иттифоқи ўртасида давом қилиб келаётган дўстона муносабатларни шартнома ёрдами блан кенгайтирмоқ ва янада кўпроқ мустаҳкамламоқ учун буерга келди.

Шу йил июль ойида Женевада бўлиб ўтган тарихий кенгашдан кейин ва Совет Иттифоқининг Германия Федерал Республикаси блан музокаралари муваффақиятли тамом бўлгандан кейин, халқлар ўртасидаги муносабатларда юмшаш бошланди, бу эса бутун дун'ёда тинчлик ишига анча ёрдам берди, Шу сабабли биз, немислар учун Германияни тинчликсевар ва демократик давлат қилиб қайта бирлаштириш имкониятлари нуқтаи назаридан ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлган янги ҳолат вужудга келди, чунки бутун сиёсий вазиятнинг юмшаши, тинчликнинг мустаҳкамланиши ва Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида муносабатлар ўрнатилиши ҳар иккала герман давлатининг бир-бирига яқинлашувига ҳам ёрдам беради.

Шу жиҳатдан қараганда, ушбу шартноманинг 1-нчи моддаси ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Шу моддада бундай дейилади:

«Шунга мувофиқ, Германия Демократик Республикаси ўзининг ички ва ташқи сиёсатига доир, шу жумладан Германия Федерал Республикаси блан муносабатларга доир масалалар устида қарорлар қабул қилишга, шунингдек бошқа давлатлар блан муносабатларни ривожлантиришга эркли ва ихтиёрлидир».

Бу модда Германия Демократик Республикасида, биз, немислар зиммасига гоят муҳим мажбурият юклайди. «Немислар, бамаслаҳат иш кўрингиз!» деган шиор ҳозирги вақтда ҳарқачонгидан ҳам кўра каттароқ ва янада ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлиб қолади, чунки герман масаласини ҳал қилиш ишига бизларнинг ўзимиз— барча немислар, энг катта ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Равшандирки, Париж битимлари Германия масаласини ҳал қилишни мумкин бўлмайдиган иш қилиб қўйди, делегациямизнинг раҳбари Бош Министр Отто Гротеволь; Париж битимлари ва фашист вермахтига асосланган бир бутун Германия бўлиши мумкин эмас ва бўлмайди деб жуда равшан қилиб айтган гапларни мен яна бир марта такрорлашни истар эдим. Лекин Европадаги коллектив хавфсизлик системаси доирасида ҳар иккала герман давлатини тинчлик ва демократик негизларда бирлаштириш мумкин, бу коллектив хавфсизлик системасида Германиянинг ҳар иккала қисми вақтинча қатнашаолади.

Биз, Демократик Германия Миллий фронти ҳаракатининг қатнашчилари (мен буерда шу ҳаракат қатнашчилари номидан гапираётирман) мана шу улуғ мақсад учун янада кўпроқ ғайрат блан ва янада яхшироқ курашмоғимиз лозим. Сиз, СССР Министрлар Совети Раиси Жаноблари, шанба куни сўзлаган нутқингизда Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг муваффақиятларини э'тироф қилиб, самимий гапларни айтдингиз. Сизнинг бу самимий сўзларингиз бизнинг ишимизда айниқса кучли далда бўлади. Мен аминманки, бу янги шартнома бизга та'минлаб берадиган улуғ дўстона ёрдам туфайли биз ўзимизнинг куч ва ғайратларимизда муваффақиятларга эришаоламиз.

Олим ва техник бўлганим учун шу шартнома муносабати блан бирнеча мулоҳазаларни айтиб ўтишимга ҳам ижозат берингиз. Бизнинг делегациямиз катта ҳурматга сазовор бўлди — кеча биз Совет Иттифоқида қурилган ва жаҳонда биринчи бўлган атом электростанциясини бориб кўриш имкониятига эга бўлдик. Мана шу атом электростанциясида кўрган нарсаларимиз бизларнинг ҳаммамизда ғоят кучли таассурот қолдирди. Бошқа мамлакатларда ҳатто атомдан энергия олиш ишлари ҳам фақат ҳарбий мақсадларни кўзлаб, масалан, ҳарбий кемалар учун ҳаракатлантирувчи куч вужудга келтирмоқ учун ривожлантирилмоқда; буерда эса атомдан биринчи марта ўлароқ олинган электр қувватидан фақат тинчлик мақсадлари учун—заводларда, қишлоқ хўжалигида ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларни ёритиш учун фойдаланилмоқда. Мана шу ҳаматли корхонада биз мамлакатингиздаги фан ва техниканинг юксак даражада эканлигига тўла равишда қаноат ҳосил қилдик.

Шу муносабат блан биз шартноманинг 3-нчи моддасидаги гаплар нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлигини тасаввур қилдик. Шартноманинг 3-нчи моддасида, Совет Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги мавжуд иқтисодий, илмий-техника ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида гапирилади. Бизнинг учун шу соҳаларда қилинадиган мана шундай ҳамкорлик турмуш шароитимизни янада яхшиламоқ учун ғоят катта аҳамиятга эга, шунинг учун ҳам биз, гарчи озроқ миқ'ёсда ва фақат бирнеча соҳалардагина бўлса ҳам, ҳарҳолда, бу ишга ҳам ўз ҳиссамизни қўшаоламиз деб умид қиламиз.

Бутун Шартнома Европада ва Германия Демократик Республикасида хавфсизликни ва умумий тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига хизмат қилганидек, шартноманинг 3-нчи моддасида аҳамияти ўқдириб кўрсатилган ҳамкорлик ҳам иккала давлатимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни чуқурлаштиришқа мустаҳкам негиз яратади. Иқтисодий, илмий-техника ва маданий соҳалардаги мана шу ҳамкорлик муваффақиятли бўлади, чунки бу ҳамкорлик тинчлик шароитида ва тинчлик мақсадларида амалга оширилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси Ҳукумат делегацияларининг музокаралари

Н. С. Хрушчев нутқининг охири

(БОШИ 3-НЧИ БЕТДА)

Германия Демократик Республикасида социализм қурилиши Германиядаги барча меҳнаткашларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади Германия социал-демократик партияси Германия христиан демократик партияси ва бошқа партияларнинг сафларида бўлган кўпгина ишчилар социалистик герман давлати қуришга ёрдамлашишга ҳаракат қиладилар. Лекин социализм учун кураш, социалистик немис давлати қуриш учун кураш, албатта, немис ишчилар синфининг, немис халқининг ички ишидир.

Мен шуни айтишим керакки, Совет давлатининг вазифаси бутун немис халқи блан дўстона яхши қўшничилик муносабатлари вужудга келтиришдан иборатдир. Германия Демократик Республикасининг раҳбарлари ҳам шунга интилаётганликларига бизда заррача шак-шубҳа йўқ.

Германия Федерал Республикасининг Канцлери Аденауэр жаноблари ҳам Москвада бўлган музокаралар вақтида, Германия Федерал Республикасининг ҳукумати совет халқи блан дўстона муносабатларни ривожлантиришга интилмоқда, деб айтди. Бу гаплан шубҳаланишга менинг ҳаққим йўқ, биз мана шу яхши сўзларга яраша яхши ишлар қилишишни табриклаймиз.

Биз шуни биламизки, Германия Демократик Республикасининг вакиллари блан музокараларни муваффақиятли равишда олиб бормоқдамиз, уларнинг сўзлари ва ва'далари блан амалий ишлари бир-биридан фарқ қилмайди, бундан буён ҳам шундай бўлишига аминмиз. Бизнинг ишончимиз ва бир-биримизга бўлган ишончимиз кунсан-кунга мустаҳкамланаберади.

Бундан буён Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги муносабатлар қоникарли равишда ривожлана беради деб ҳам умид қиламиз. Лекин русларнинг мақолида айтилганидек, омоп бўлсак — кўраберамиз. Ўз томонимиздан биз Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг муваффақиятли ривожланмоғи учун ҳамма чораларни кўрамиз. Мамлакатларимиз ўртасида савдо ва маданий алоқалар кенг равишда ривожланишдан Совет Иттифоқи ҳам, шунингдек Германия Федерал Республикаси ҳам манфаатдорлар. Бу нарса Германия Федерал Республикасига, Германия Демократик Республикасига ва Совет Иттифоқига катта фойда етказади.

Битта жуз'ий масала устида — Совет Иттифоқи суди томонидан ҳарбий жиноятчилар деб ҳукм қилинган собиқ ҳарбий асирлар ҳақида ҳам ўз фикримни айтиб ўтишни истар эдим. Женевадан қайтиб келатуриб Берлинда бўлган вақтимизда ўртоқ Булганин ва мен бу масалада Сизлар блан фикрлашиб олганлигимиз эсингизда бўлса керак. Бу масала устида Германия Демократик Республикаси Президенти ўртоқ Пик СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ворошиловга хат блан мурожаат қилди.

Германия Федерал Республикаси делегацияси бизга келган вақтда, у ҳам бу масалани бизнинг олдимизга қўйди, лекин у бу масалани СССР блан Германия Федерал Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши блан боғлиқ қилиб қўйди. Биз Аденауэр жанобларига ва Германия Федерал Республикаси ҳукумат делегациясининг а'золарига, бу масаланинг дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги музокараларга ҳеч бир алоқаси йўқ ва бу масалани фақат Совет Иттифоқигина ҳал қилиши мумкин, чунки, бу одамлар совет халқи олдида жиноят қилганлар ва бунинг учун совет суди томонидан ҳукм қилинганлар деб айтдик. Лекин вақт ўтган сари одамлар ўзгара берадилар. Ба'зи одамлар ўзгариб яхши бўлади, ба'зилари ўзгариб ёмон бўлади. Лекин одамларнинг кўпчилиги ҳарҳолда ўзгариб яхши бўлади. Шу сабабли биз шу кишиларни муддатидан олдин озод қилиш тўғрисидаги илтимосни қондириш мумкин деб ҳисоблаймиз. Уларнинг оталаримиз, ўғилларимиз, эрларимиз ва ака-укаларимиз деб кутиб турган қариндош-уруғлари борлигини назарга оламиз. Биз мана шу инсоний ҳислар блан ҳисоблашиш кераклигини тушунамиз. Бу одамлар қамоқ муддатининг анча қисмини ўтаб қўйдилар, шунинг учун ҳам биз улар Совет Ҳукуматининг олижаноблигига тўғри баҳо берадилар ва озод қилинганларидан кейин Совет Иттифоқига нисбатан ўз муносабатларида ўч олиш ҳисларига асосланиб иш кўрмайдилар деб умид қиламиз.

Мен ўз нутқимда айтиб ўтмоқчи бўлган масалалар мана шулардир.

Комиссия томонидан тайёрланган шартнома проекти, афтидан, бизнинг иккала томонни ҳам қаноатлантирмоқда, бунақа ҳолиса ҳамавақт ҳам бўлавермайди. Кўпинча шундай бўладики, масалалар ён бериш йўли блан ҳал қилинади. Бизда ён беришлар йўқ, чунки нуқтаи назарларнинг кураши йўқ, балки қарашларимизда умумийлик бор, назариямизда умумийлик бор. Дуруст, совет қўшинларининг ҳозирча Сизларнинг территориянгизда қолаётганлиги бир мунча ноҳушлик туғдириши мумкин, лекин бу тадбирларнинг зарурлиги тўғри тушуниб олинади деб ишонамиз. Ҳатто ўзаро дўст давлат бўлса ҳам, ҳарҳолда чет давлат қўшинларининг сақланиб туриши аҳолини кўпинча хурсанд қилмайди. Лекин шунга қарамай, одамлар ҳозирги мавжуд шароитда шундай бўлиши зарурлигини тушунишлари мумкин ва лозим. Совет қўшинларини Сизларнинг территориянгизда қолдириш тўғрисида бамаслаҳат қабул қилган қароримиз вақтинча бир чорадир. Бунинг ёқимсиз иш эканлигини яхши биламиз, шунинг учун ҳам агар бирор киши бу ерда бу ёқимли қарор деб айтадиган бўлса биз унинг бу гапига ишончсизлик блан қараган бўлур эдик. Сизлар бу гапимга қўшиласизларми?

Ульбрихт. Қўшиламиз.

Хрушчев. Лекин биз умуман қуролли кучларни камайтириш тўғрисида ҳамда Совет, Америка, Англия ва Франциянинг Германияда бўлган қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида давлатлар ўртасида битим тузилмоғини та'минламоқ учун сизлар блан биргаликда сабот блан ҳаракат қилаберамиз. Агар АҚШ, Англия ва Франция бугун шундай қилишга тайёр бўлсалар эди, биз бу масалани ҳозирнинг ўзидаёқ ҳал қилаолур эдик. Биз ўз қўшинларимизни Германиядан олиб чиқиб кетишга тайёрмиз, лекин бунинг учун Гитлер Германиясига қарши урушда биз блан шерик бўлган давлатлар ҳам ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишлари шарт.

Келгусида бу масалани ҳал қилиб оламиз деган умидимиз бор. Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгаши мана шундай умидни туғдирди. Женева руҳи ривожланаберади ва мустаҳкамланаберади деб умид қиламиз, лекин кўриб бўлмайдиган ва сезиб бўлмайдиган руҳ тариқасида эмас, балки конкрет ишлар тариқасида ривожланади ва мустаҳкамланади деб умид қиламиз. Биз шундай конкрет ишларни қилдик, қуролли кучлар сонини 640 минг киши миқдорида камайтиришга қарор қилдик, Финляндиядаги Порккала-Уд ҳарбий денгиз базасидан ижара тариқасида фойдаланиш ҳуқуқиндан воз кечдик ва бошқа бирқанча тадбирларни амалга оширдик. Женевадаги шерикларимиз ҳам мана шундай конкрет ишлар қиладилар деб кутмоқдамиз, шундан кейин биз янги таклифлар қилган бўлур эдик.

Ба'зи буржуа сиёсат арбоблари бизга та'на қилиб, гарчи сизлар табассум блан дўстона муомала қилган бўлсангиз ҳам аммо, шундан нарига ўтмадингиз, деб айтдилар. Куролли кучлар камайтирилганлиги ва Финляндиялаги ҳарбий-денгиз базасидан воз кечганлигимиз тўғрисида мен айтиб ўтган фактлар халқаро кескинликни камайтиришга қаратилган конкрет ишлар эмасми, ахир?

Шу блан бир вақтда биз ғарб давлатларининг Женева руҳи тарзида иш олиб бориб, халқаро кескинликни эмшатишга ва тинчлиқ ишини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган конкрет самарали ишлар қилишларини кутамиз.

Отто Гротеволь нутқи

Бирнеча якунловчи мулоҳазаларни айтиб ўтишга рухсат этингиз. Ўртоқ Булганин СССР Ҳукуматининг Олий Комиссар бошқармасини тугатиш тўғрисида ва собиқ Контроль Кенгашининг қарорларини бекор қилиш тўғрисида қарори борлиги ҳақида бизга ахборот берди. Контроль Кенгашининг қонунлари тўғрисидаги масалага келганда, ўртоқ Вальтер Ульбрихт бугун бизнинг номимиздан айтдики, воқиаларнинг умумий тараққиётини назарга олиб, биз Контроль Кенгашининг қонунларини бундан буён э'тироф этаолмаймиз. Шундай қилиб, бизнинг истагимиз СССР Ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқдир. Аммо, биз бу қарорни бирқанча тадбирларни соддалаштиришга олиб борадиган расмий актгина деб қарамаймиз. Биз Сизнинг қарорингизда ГДРнинг қонун чиқаручи органларига, бу органларнинг ГДР ишларини Контроль Кенгашсиз ҳал этажагига ишонч ифода қилинганини ҳам кўрамиз.

Ўртоқ Булганин, тамом бўлай деб қолган музокараларимиз қатта тарихий аҳамиятга эга, деб тўғри айтди. Буерда Ўртоқ Хрушчев ҳам ана шу фикрни ривожлантирди. Биз бу фикрга тамомида қўшиламиз. Биз, буерда тузаётган Шартномамиз амалга оширилган тақдирда, Совет Иттифоқи блан Германия ўртасидаги дўстона муносабатларни ҳозир Германия Демократик Республикаси доирасидан бутун Германиянга ҳам муваффақиятли суратда кўчириш имконини вужудга келтиради, деб ҳисоблаймиз. Бу — келгусидаги тараққиётимизнинг ҳал қилучи сиёсий вазифаларидан биридир.

Шу блан бирга биз ҳисоблаймизки, ҳозирги вақтда ган дўстлигимизни мустаҳкамлаш тўғрисидагина бораётган йўқ, биз бу Шартнома ёрдами блан эндиликда халқларимиз ўртасида ўтмишда бўлган ёмон муносабатларни узил-кесил тугатамиз ва икки принцип янги дўстона муносабатларимиз учун асос бўлади. Ҳар иккала халқимиз иқтисодий, сиёсий, маданий масалаларда қатта ва кенг имкониятлар бўлишини талаб этадиган иқтимоий муносабатларга интилмоқда. Бинобарин, бизнинг муносабатларимиз кенг перспективага эга бўлиши лозим. Шу сабабдан, биз дўстона муносабатларимиз абадий қилиб ўрнатилганлигича ва бу муносабатларнинг бузилмаслигига ишонамиз. Социализм амалга оширишга интилаётган буюк инсонпарварлик мақсадлари ана шу асосда юзага чиқарилиши мумкин.

Мен, Ўртоқ Хрушчевнинг мулоҳазалари муносабати блан бирнеча сўз айтишни истар эдим. Аввало, биз Ўртоқ Хрушчевнинг Германиядаги барча прогрессив кучлар тўғрисидаги мулоҳазаларини мамнуният блан қабул қиламиз. Биз ҳам худди шундай фикрдамиз. Биз, ўз ишимизни антифашист ҳаракат сифатида бошлаган эдик. Биз, барча прогрессив кучлар блан ҳамкорлик қилиб, тараққиётимизнинг ана шу этапини кўпданоқ орқада қолдирдик. Германия Демократик Республикасида социализм асослари қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган пайтдан буён биз ана шу заминда барча дўстларимизга блан бирлашдик ва якин ўртоқлар бўлиб қолдик. Агар мен Сизларни ишонтириб, биз муваффақият келтиручи ана шу йўллан четга чиқмаймиз деб айтсам, барча дўстларимизнинг фикрини изҳор қилишимга ишонаман. Ўртоқ Хрушчев совет кишиларининг герман давлатига, ГДР меҳнаткашларига ва бутун Германия ишчилар синфига ишонч блан қараётганлиги тўғрисида гоят самимий гапларни айтди, у, меҳнаткаш деҳқонларга ва прогрессив интеллигенцияга ишонч блан қараётганлиги тўғрисида гапирди.

Қадрли дўстлар, ишимизга берилган ана шу баҳо учун Сизларнинг ҳаммаларингизга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилишга рухсат этгайсиз. Биз, хотиржам бўлиб қолишдан жуда эҳтиёткор бўлсак ҳам, ҳарҳолда ишимизга ва кишиларимизга берилган бундай баҳо бизга ўз ишимизда илҳом бағишлайди.

Нутқимнинг охирида ўртоқ Хрушчев, жиноятлари учун жазо муддатини ўтаётган собиқ ҳарбий асирлар масаласидаги мулоҳазаларингиз ҳақида бирнеча сўз айтиб ўтаман. Мен, бу масала ҳақида жуда қисқа гапириб ўтаман ва бундай қилишимга фақат сабаб шуки, буржуа матбуоти ҳарбий жиноятлари учун ҳукм қилинганлар тўғрисидаги масала буерда музокара қилинмади, деган гапларни айтмоқда. Бу масалани музокара қилмаганлигимизга сабаб нима? Бунга сабаб шуки, биз Берлинда бу тўғрида тамомила келишиб олган эдик. Биз, бу масалага сиёсий масала деб қарамаймиз, биз бу масалага инсонпарварлик нуқтаий назаридан қараб ҳам баҳо берамиз. Ўртоқ Хрушчев, Сиз ана шу фикрни буерда кенг баён қилдингиз.

Ниҳоят, қуйидагиларни айтаман. Музокараларимиздан шу нарса равшанки, дўстона муносабатларимизнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши истиқбол учун катта аҳамиятга эгадир, чунки ана шу дўстона муносабатларимиз ҳар иккала халқимизнинг ва Европа халқларининг манфаатларини кўзлайди. Давлатимизнинг президенти Вильгельм Пик бутун Германияда Совет Иттифоқининг энг яхши ва энг самимий дўстларидан биридир. Ўртоқ Вильгельм Пик ўтган йили бундай деган эди: «Биз, герман-совет дўстлиги ишини немис халқининг жонажон ишига айлантиришимиз керак». Мен сизларни ишонтириб айтаманки, биз ана шу баёнотга мувофиқ иш олиб борамиз ва дўстона муносабатларимизни немис халқининг жонажон ишига айлантирамиз.

ГДР Ҳукумат делегацияси Зоя Космодемьянская ҳайкалига гулчамбар қўйди

Москвадан бирнеча ўн километр нарида, Минск шоссеси Дорохово-Петришчево йўлини кесиб ўтган жойда жасур партизан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Зоя Космодемьянскаянинг бронзадан ясалган ҳайкали қад кўтариб турибди. Зоя Космодемьянская Улуғ Ватан уруши йилларида фашист босқинчилар қўлида ҳалок бўлган эди. Ҳайкал қаҳрамон қизнинг бутун қоматини гавдалантиради. Қаҳрамон қиз жонажон Москвага назар солиб турибди.

Ҳайкалнинг супасига гуллар қўйилган. Буерда доим, айниқса ёшларни кўп учратиш мумкин. Йўлдан ўтиб боручи машиналар икки кўчанинг чорғоҳига келганда юришини секинлатиб ўтадилар...

...18 сентябрь, якшанба куни Германия Демократик Республикасининг Совет Иттифоқига келган Ҳукумат делегацияси қаҳрамоннинг ҳайкали ёнида бўлди.

Ломоносов номли университетнинг Москва атрофида экскурсия қилиб юрган студентлари ва ўқитучилари, маҳаллий колхозчилар ва ўқучилар буерда Бош министр ўртоқ Гротевольни ва ГДР Ҳукумат делегациясининг а'золарини самимий табриклаладилар.

Делегация монумент ёнига гулчамбар қўйди. Гулчамбарнинг ленталарига шу сўзлар ёзилган эди: «Жиноятчи гитлерчилар армиясига қарши мардона курашчига шон-шарафлар бўлсин. Германия Демократик Республикаси Ҳукумат делегациясидан».

Ўртоқ Отто Гротеволь шуерда йиғилганларга қарата нутқ сўзлаб, бундай деди:

— Германия Демократик Республикасининг делегацияси партизан қиз Зоя Космодемьянская ҳайкалига шу гулларни қўяди ва бу блан совет ватанпарварларининг хотирасини ҳурматлаб эсга олади. Биз совет кишиларини ишонтириб айтамизки, Германия ватанпарварлари урушга бунлан буён сра йўл қўймаслик учун ўзларининг бутун кучларини сарф қиладилар. Биз совет халқи блан тинч яшашни истаймиз. Яшасин герман халқи блан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик!

Ёшлар қарсак чалдилар. Отто Гротеволь ва Вальтер Ульбрихт ўртоқлар студентларнинг, ўқитучиларнинг, маҳаллий аҳоли вакилларининг гулларини қисадилар.

Москва Давлат университетининг ўқитучиси Н. П. Красавченко бундай дейди:

— Биз ўртоқ Отто Гротевольнинг «Яшасин герман халқи блан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик!» деган сўзларини зўр шодлик блан такрорлаймиз.

Университет 2-нчи курсининг студенти Юрий Сидоренко бундай деди:

— Биз, Москва Давлат университетининг студентлари Германия Демократик Республикасининг барча студентларига ва ГДР Президенти ўртоқ Вильгельм Пикка самимий саломимизни топширишингизни сўраймиз.

Отто Гротеволь ва Вальтер Ульбрихт ёшларга ўқишда ва коммунизм қуришда муваффақият тилади. (ТАСС).

Пахта терининг илғорлари

Ўртасарой районидаги Маленков номли колхознинг кўпмингкилограммчилар ҳаракатига қўшилиб, мавсумда 12 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган илғор теримчиларидан (чапдан ўнгга) **А. Аҳмаджонова** 16 сентябрьгача 2470, **Х. Эгамбердиева** 2300 ва **Р. Султонова** 2200 килограммдан пахта тердилар.

М. Шевелев фотоси.

Илғор механик-ҳайдовчиларнинг янги муваффақияти

БУКА. (Телефон орқали олинди). Районнинг колхозларида ёз бўйи фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган мўл пахта ҳосилини машинада териб олишга оммавий равишда киришилди. Районнинг колхозларида 19 сентябрь куни 23 та СХМ—48-М машиналари ишлади. Механик-ҳайдовчилар мавсумда ўз агрегатлари блан 70—80—90—100 тоннадан пахта териб бериш юзасидан ўз зиммаларига ошириган социалистик мажбурият олиб ишламоқдалар.

Каганович номли колхозда 1-нчи МТСнинг иккита трактор бригадаси хизмат қилмоқда. Бригада а'золари машинада пахта териш бошланган дастлабки кунданоқ унумли ишламоқдалар. Ўзаро социалистик мусобақада ёш механик-ҳайдовчи Зшбой Эрматов олдинда бормоқда. У, 15 сентябрьдан 18 сентябрьгача ўз агрегати блан 6. 310 килограмм, 19 сентябрь куни эса 2.860 килограмм пахта териб берди. Шунингдек Қўчқор Аҳмедов 19 сентябрь куни 2400 килограмм пахта терди. Механик-ҳайдовчи Эгам Алиқулов ҳам илғорлар методи асосида ишлаб, юқори кўрсаткичга эришаётир.

Район механизаторлари пахта йиғим-терими сур'атини кун сайин ошириш блан сентябрь ойининг бирнеча куни ичида ўз машиналари блан 50 тонна юқори сифатли пахта териб бердилар.

Собура Умарова кунига 250 килограммдан пахта термоқда

Оққўрғон район, Октябрь қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхозда пахта йиғим-терими кун сайин қизгин тус олмоқда.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси, илғор звено бошлиғи ўртоқ Собура Умарова ўтган йили 15 тонна ўрнига 19,5 тонна пахта териб, колхозчилар ҳурматига сазовор бўлган эди. У, КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, мавсумда 20 тонна пахта теришга аҳд қилди.

Ўртоқ Собура Умарова соатлик график асосида пахта териб, иш вақтидан унумли фойдаланмоқда. Шу кунларда у 250 килограммдан пахта териб, ўз сўзини амалий иш блан бажармоқда. Колхозда ўртоқ Собура Умаровадан ўрнак олиб ишлаётган 10—15 минг килограммчи теримчилар сони 120 кишига етди.

Т. МАНБЕТОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 20 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан
Оҳангарон	1,86	22,53
Пискент	1,92	21,92
Ховос	1,93	19,54
Оржоникидзе	1,68	15,94
Бўка	1,36	15,64
Ўртасарой	1,61	14,40
Мирзачўл	1,45	14,20
Ўртачирчиқ	1,38	13,96
Юқоричирчиқ	1,62	13,33
Гулистон	1,37	13,32
Верхне-волинск	1,68	13,20
Чиноз	1,29	12,91
Янгийўл	1,42	12,80
Октябрь	1,20	12,73
Сирдар'ё	1,39	12,72
Оққўрғон	1,15	12,72
Бекобод	0,98	11,23
Боёвут	0,95	10,36
Калинин	1,03	10,21
Қуйичирчиқ	0,65	6,59

Барча колхозларда пахта териш сур'ати тезлаштирилсин

Калинин районидаги «Победа октября», «XVIII партс'езд» колхозларининг а'золари партия ва ҳукуматимиз томонидан берилаётган катта ёрдамлар туфайли бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Шунинг учун ҳам «Победа октября» колхози а'золари ҳар гектар ердан пландаги 26 ўрнига 30 центнердан, «XVIII партс'езд» колхози а'золари эса 34 ўрнига 35 центнердан пахта топширамиз, деб қўшимча мажбурият олдилар.

Бу колхозларнинг меҳнатсевар а'золари ғўза парваришини қандай уюшқоқлик блан ўтказган бўлсалар, пахта теримига ҳам шундай уюшқоқлик блан киришдилар. Пахта териш мавсуми учун зарур бўлган барча ташкилий ва техник тайёргарликлар ўз вақтида кўрилди, кучлар тўғри тақсимланиб, барча материал, техник воситалар сафарбар қилинди.

Колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар кучайтирилди. Мўл ҳосилни сра нобуд қилмасдан тезда йиғиб-териб давлатга топшириш учун барча колхозчилар сафарбар этилди. Партиямиз XX с'ездини муносиб совғалар блан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилган бу колхозларнинг а'золари пахта йиғим-терими Улуғ Октябрь социалистик революцияси 38 йиллигини кунигача бажаришга қарор қилганлар.

Колхозчилар областимизнинг илғор, кўпмингкилограммчи теримчилари мурожаатини яклиллик блан қабул қилиб, мавсум нормасини ошириб бажариш учун курашаётирлар. Ҳозир ўнлаб теримчилар кунига 90—100 килограммдан пахта термоқдалар. «Победа октября» колхозининг теримчиларидан Р. Носиров, Л. Протопопова, М. Содиқова, К. Қосимова, «XVIII партс'езд» колхозининг а'золаридан Қ. Исабоева, Х. Соатхўжаева, У. Аёзбоева ўртоқлар меҳнат унумини оширишда айниқса намуна бўлаётирлар.

Бу колхозларда терим соатлик график асосида ташкил этилган. Ҳарбир теримчининг иши алоҳида ҳисобга олиниб турипти. Бу эса меҳнат унумининг ошишига катта ёрдам бераётир.

Броқ ана шу икки колхозга қўшни бўлган Молотов номли колхозда пахта йиғим-теримини тезлаштириш учун мавжуд куч ва моддий техника воситаларидан тўла фойдаланилмаётир. Масалан, колхозда термига 312 киши ажратилган. Лекин далаги иш тўғри ташкил этилмагани учун бу кишиларнинг ҳаммаси термига жалб этилмаган, кўп киши иккинчи даражали иш блан банд.

Колхозда дала шийпонлари маданий ҳам олиш жойига айлантирилмаган, иссиқ овқат қилинмайди, кўчма ясли ва боғчалар ташкил қилинмаганлиги учун болали аёллар теримда мунтазам ишлайолмаётирлар. Колхоз раҳбарлари «ҳарбир бригадада 2 — 3 та болали аёллар бор, булар теримни ҳал қилмайди» деб бепарволик қилмоқдалар. Шунинг учун колхозда терим сур'ати паст.

Молотов номли колхоз район пахтачилигида анча салмоқли ўринни эгаллайди. Бу колхозда терим сур'атининг қоникарсизлиги районда пахта тайёрлашнинг боришига сезиларли даражада салбий та'сир қилаётир. Шунинг учун ҳам район колхозларида пахта тайёрлаш плани 16 сентябрьгача 6,45 процент бажарилган.

Калинин район партия, совет ташкилотлари Молотов номли колхозданги аҳвол блан жиддий қизиқишлари, пахта йиғим-теримини ташкил этишда йўл қўйилаётган камчиликларни тезда тугатиш, районда пахта тайёрлаш сур'атини тезлатиш тадбирларини кўришлари керак.

Қ. ҲИКМАТОВ.

Қизил байроқ олган колхоз даласида

Шу кунларда Пискент районидаги илғор колхозлар даласида йиғим-терим ишлари қизитиб юборилди. Айниқса, Ленин номли, Сталин номли, Калинин номли, Молотов номли колхозларнинг азамат теримчилари сур'атни кундан-кунга ошириб, юқори кўрсаткичларга эришаётирлар. Бу колхозларда пахта теримининг дастлабки кунларидан бошлаб, кунига 1,5—2 процент миқдорида пахта тошпирилмоқда.

Шу кунларда айниқса, Каганович номли колхозда йиғим-терим ишлари ҳарқачонгидан ҳам қизитиб юборилди. Колхознинг азамат теримчилари фидокорона меҳнат қилиб, охирги бешкунликда район партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлдилар.

Яқинда колхозда теримчи-ёшлар бригадаси ташкил қилинди. Бу бригаданинг ҳарбир а'зоси мавсумда 7—15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олиб, кўпмингчилар ҳаракатини янада кенгайтириб юбордилар. Улар кунлик графикни 2—3 ҳиссадан ошириб бажараётирлар.

Ёш теримчилардан Юсупова, Ризаева, Мусаева каби ўртоқлар кунига 60 ўрнига 180—230 килограммдан ошириб пахта термоқдалар. Ўртоқ Ж. Рустамов бошлиқ бригаланинг моҳир теримчиси Т. Жуманова колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. У, теримнинг биринчи кунларидан бошлаб соатлик график асосида пахта термоқда. Ўртоқ Т. Жуманова 10 кун ичида 88 меҳнат куни ишлади.

Колхозда кўпмингчилар ҳаракатининг асосий ташкилотчилари комсомол-ёшлар бўлмоқда. Улар областимизнинг илғор теримчиларининг Мурожаатига яқдиллик блан қўшилиб, унга амалий иш блан жавоб бермоқдалар.

Каганович номли колхознинг азамат пахтакорлари жонажон партиямизнинг XX с'ездини, Ўзбекистон компартиясининг XIII с'ездини ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллигини муносиб совға блан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд ўтарган ҳолда йиғим-терим ишларини кун сайин авж олдирмоқдалар.

Ҳ. МАҲМУТАЛИЕВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 21/IX да **Шамсиқамар**, 22/IX да **Алишер Навоий**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/IX да **Риголетто**, 22/IX да **Эсмеральда**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (эрталаб соат 10 дан кеч 6 гача), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 дан кеч 10 гача), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун) — янги бадиий фильм **Йўл**.

«РОДИНА» — (кеч соат 8 ва 10 да), НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да) — **1) Тарапунька пиджакининг можароси, 2) Дон Жуан.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «УДАРНИК» — **Йўл.**

«ИСКРА» — 1) **Тарапунька пиджакининг можароси, 2) Дон Жуан.**

«ХИВА» — **Нестерка.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 01720. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № А — 1511.